

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
З.М. БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАРИХ ВА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

Тарих таълим йўналиши IV курс битирувчиси

СУЛАЙМОНОВА НАИМАнинг

**Б И Т И Р У В М А Л А К А В И Й
И Ш И**

**Мавзу: КАСТИЛИЯ ЭЛЧИСИ КЛАВИХОНИНГ “АМИР ТЕМУР
САРОЙИГА САЁҲАТ КУНДАЛИГИ” ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА**



**Илмий раҳбар: М.Ғ. АБДУЛЛАЕВ
тарих фанлари номзоди,
доцент**

АНДИЖОН – 2015

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3 - 5
1-боб. КЛАВИХО “КУНДАЛИК” АСАРИНИНГ ИЛМИЙ ВА ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ	
1.1. Клавиҳо ва унинг кундалиги	6 - 13
1.2. Клавиҳо асарининг бошқа тиллардаги таржималари ва нашрлари	13 - 22
2-боб. КЛАВИХО АСАРИДА АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДАГИ СИЁСИЙ, ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ	
2.1. Амир Темурнинг Ғарб давлатлари билан дипломатик алоқалари	23 - 35
2.2. Асарда Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг ёритилиши	35 - 41
2.3. “Кундалик”да Амир Темурнинг Мовароуннаҳрдаги бунёдкорлик ишлари талқини	41 - 50
ХУЛОСА	51 - 52
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	53 - 54

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Истиқлол туфайли темуршунослик тарихида илк бор Амир Темурнинг давлатчилик сиёсати ва шахсий фаолияти юқори давлат даражасида ва халқаро миқёсда нишонланди. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов фахр билан таъкидлаганидек “Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Амир Темур шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланди. Истиқлолимизнинг ҳар бир тадбирида, мустақил давлатимизнинг ҳар бир қадамида ул буюк зот руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб бормоқда”¹.

Ислом Каримов Амир Темур таваллудига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий конференцияда нутқ сўзлаб “Амир Темурдек тарихий шахсларни, саркарда ва соҳибқиронларни тарих тақозоси, шу замон талаблари, керак бўлса, замон эҳтиёжи ҳаётга олиб келади ва ул зотларнинг фазилат-хусусиятларини намоён қилишга замин яратади... Кимки Амир Темур қадимий Туркистон заминида тасодифан пайдо бўлган деса, хато қилади. Нега деганда ҳеч нарса тўсатдан пайдо бўлмайди. Ҳамма нарсанинг ўз қонунияти бор”,² – деб алоҳида таъкидлаган эди.

Амир Темур шахсияти, у асос солган давлатдаги сиёсий жараёнлар, ижтимоий-иқтисодий ҳолат масаласи ўз даврида кўплаб муаррихлар томонидан қаламга олинган. Жумладан, Амир Темур ва темурийлар даври тарихини унга замондош бўлган тарихнавислардан Шарафиддин Али Яздий (“Зафарнома”), Низомиддин Шомий (“Зафарнома”), Ибн Арабшоҳ (“Темур тарихида тақдир ажойиботлари”), Тожиддин Салмоний (“Тарихнома”)лар ёзганлар. Айни пайтда, Амир Темур тарихи ҳақида хорижлик сайёҳ ва элчилар ҳам ўз хотираларини ёзиб қолдирганлар. Улардан бири Кастилия (Испания) элчиси Руи Гонсалес де Клавихо бўлиб, у ўзининг Самарқандга қилган саёҳат саргузаштларини батафсил ёзиб борган. Кейинчалик бу кундалик алоҳида китоб шаклида нашр этилган. Бу асар Амир Темур даври тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири саналади. Чунки, Клавихо

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1997. 167-бет.

² Каримов И.А. Кўрсатилган асар. 181-192-бетлар.

Ўзининг элчилик давомидаги ўз кўзи билан кўрган воқеа ходисаларни, замондошларидан эшитган хотираларни ёзиб қолдирган. Шу боисдан ҳам бу асар Амир Темур даври тарихни тўлақонли ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Руи Гонсалес де Клавихонинг “Самарқандга – Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар)” номли асари ўз даврида Европада бир неча бор қайта-қайта нашр этилган. Кейинчалик бу асар оммалашиб дунёнинг бошқа тилларига ҳам таржима қилинган. Дунёнинг кўплаб шарқшунос олимлари Амир Темур ва темурийлар давлати тарихини тадқиқ этишда албатта бу асарга мурожаат этадилар. Бу асар XX аср бошларидан эътиборан бир неча бор рус тилида ҳам нашр этилган. Бу бебаҳо асарни ўзбек тарихчиларидан Бўрибой Аҳмедов, Азамат Зиё, адабиётшунос Очил Тоғаев ва бошқалар тадқиқ этганлар.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Мазкур битирув малакавий ишда Кастилия элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг 1403-1406 йилларда Мовароуннаҳрга – Амир Темур пойтахти Самарқанд шаҳрига қилган элчилик сафари саргузаштларини ёритувчи кундалик асари манбашунослик ва тарихшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш мақсади қўйилди. Бу мақсаддан келиб чиқиб, ушбу ишда Клавихо ва унинг шахсияти, асарнинг аҳамияти кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, Клавихо асаридан ўрин олган Амир Темур шахсияти, унинг давлатчилик сиёсати, ўша даврда Мовароуннаҳрдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳолат, Амир Темур саройидаги сиёсий жараёнлар, Самарқанддаги ва салатанат таркибидаги ҳудудларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига оид маълумотлар таҳлил этилди.

Ишнинг назарий-методологик асослари. Битирув малакавий ишда Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол мафкурасининг устувор мақсад ва вазифалари ғоявий асос қилиб олинди. Бу янги илмий концепция халқнинг миллий қадриятлари, урф-одати ва турмуш тарзини, тўпланган билимлари ва ҳаётий фалсафаси билан уни бойитиб, ўрганилаётган муаммонинг барча қирраларини янгича баҳолаш мезони асосида ишлаб чиқиш имконини

беради. Шунингдек, ўрганилаётган муаммони тўғри ҳал этишда илмийлик, холислик, тарихийлик, қиёсий ва танқидий ўрганиш, тизимлилик тамойилларига амал қилинди. Тадқиқотнинг методологик асосини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқларида илгари сурилган услубий, илмий-назарий кўрсатмалари муҳим роль ўйнади.

Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги. Битирув малакавий ишда Амир Темур даври тарихини ёритишда муҳим аҳамиятга эга бўлган Кастилия элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг “Самарқандга – Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар)” номли асари манбашунослик жиҳатидан таҳлил этилди. Бу асардан ўрин олган муҳим маълумотлар таққосланди, айрим ривоят ва ҳақиқатга зид бўлган кўрсатмалар танқидий жиҳатдан ўрганилди.

Ишнинг амалий аҳамияти. Тадқиқ этилган мавзу натижалари ва хулосаларидан умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб хунар коллежларининг ўқувчилари, Олий ўқув юрти талабаларига “Ўзбекистон тарихи”, “Манбашунослик” фанларидан дарс ўтишда фойдаланиш мумкин. Ишда баён этилган илмий хулосалар ва уларнинг натижаларидан “Манбашунослик” фанидан ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши кириш, иккита боб (бешта параграф), хулоса қисмларидан ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 54 бетни ташкил этади.

1-боб. КЛАВИХО “КУНДАЛИК” АСАРИНИНГ ИЛМИЙ ВА ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

1.1. Клавихо ва унинг кундалиги

Амир Темур – жаҳон тарихидаги буюк сиймолардан биридир. Ўтган асрлар мобайнида жаҳоннинг 50 дан ортиқ давлатларида Амир Темур мавзуида беҳад кўп тарихий, адабий ва санъат асарлари яратилган. Уларни бир ерга тўплашнинг имкони бўлса, дунёнинг энг маҳобатли кутубхоналаридан бири дунёга келар эди. Тўғри, бу асарларнинг табиати ҳар хил. Масалан, ўтмишда ва замонамизда ҳам, айрим тарихчи олимлар уни македониялик Александр, Аттила, Чингизхон каби жаҳонгирлар қаторида тилга олиб келишди. Аммо бобокалонимизнинг тарихдаги ўрни юқорида номлари тилга олинган ҳукмдорлардан мутлақо фарқ қилади. Амир Темур нафақат ўз ватанини чингизий мўғуллар истибдодидан халос қилди, айти пайтда, у мўғуллар истибдодининг қудратли таянчи бўлган Олтин Ўрдани тор-мор этиб, Шарқий Европа мамлакатлари, айтиқса, Россия ва Украинанинг чингизий мўғуллар исканжасидан қутулиб чиқиши учун қулай шароит яратди. Шунингдек, Амир Темур 1402 йилда Анқара яқинида Боязид Йилдирим устидан зафарга эришгач, бутун Европа турк султониға қарамликдан қутулиб, кейинги эллик йил мобайнида эмин-эркинликда нафас олиб яшади. Шу сабабли ўз даврида европаликлар томонидан Амир Темур “Европа ҳалоскори”, деб эътироф этилган эди. Ҳатто, миннатдорлик рамзи сифатида, европаликлар унинг от устида мағрур турган ҳолатдаги олтин ҳайкалчасини яратишганлиги тарихдан маълум.

Хўш, ўтган жаҳонгирлардан қайси бири кенг одамзод назарида бундай мартабаға лойиқ бўла олган? Аниқки, Амир Темурдан бошқа ҳеч ким бундай мартабаға сазовор бўлган эмас.

Ҳа, Амир Темурнинг инсоният олдидаги бебаҳо хизматлари қоялардай мустаҳкам, пойидор, асрлар ўтса-да букилмас, синмас ҳақиқатдир. Бу ҳақиқатлар XX аср охирида халқимиз мустақилликка эришгач, пировардида,

миллий тарихимизга нисбатан адолатли қараш ва уни адолатли идрок этиш имконияти вужудга келгач, янада рўйи рост юзага чиқа бошлади.

Соҳибқироннинг бугунги тақдири ҳақида гап кетар экан, биз бу масалада, айниқса, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовдан алоҳида миннатдор бўлишимиз керак. Сабаби, айнан, юртбошимиз Истиқлолнинг илк кунлариданоқ халқимизнинг миллий ўзлигини тиклаш, унинг олам аро кайтадан қад ростлаши масаласини давлат сиёсати даражасига кўтарди. Жумладан, миллий тарихимизга адолатли ёндашув, буюк миллий сиймоларимизнинг ҳурмати ва эҳтиромини ўрнига қўйиш борасида давлатимиз раҳбари олам эътиборини ўзига қаратган ғоятда дадил, баҳодирона қадамларни қўйди. Масалан, пойтахтимизнинг қоқ марказидаги боғ мустақилликнинг ўша илк кунларидаёқ Амир Темур хиёбони деган янги ном олди. Бу боғнинг кўзга яққол кўринарли сахнида соҳибқироннинг кучи-шиतोби танасига сиғмай кўкка сапчиётган от устида, унинг жиловини маҳкам тутиб: “Куч - адолатда” деб турган, яъни замоннинг янги дунёқарашини ўзида мужассам этган нодир хайкали ўрнатилди. Кейинчалик Амир Темурнинг бундай маҳобатли хайкаллари Шаҳрисабзда ва Самарқандда ҳам қад кўтарди. Тошкентдаги боғнинг ёнида Амир Темур ва темурийлар тарихи давлат музейи бунёд этилиб бугун улуғ шаҳар кафтида у гавҳардай порлаб турибди. Худда ўша кунларда ватанимизда Амир Темур номидаги халқаро хайрия жамғармаси ҳам дунёга келди. Бу муассаса улуғ бобокалонимиз ҳаёти ва тарихий фаолиятини мамлакатимиз жамоатчилиги орасида ва айна пайтда, халқаро миқёсда адолатли тарғиб ва талқин этиш йўлида самарали фаолият билан шуғулланиб келмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан 1996 йилда Амир Темур хазратлари таваллудининг 660 йиллик юбилейи халқаро миқёсда кенг нишонланганлиги, Парижда, ЮНЕСКО қароргоҳида ўша йилнинг апрель ойида “Темурийлар даврида илм-фан, малданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши” мавзусида улкан халқаро кўргазмани ташкил этилганлиги, ўша кунларда бу улуғ сиймога бағишлаб Тошкентда ва Парижда ўтказилган халқаро илмий

конференциялар, юртбошимизнинг бк анжуманлардаги чуқур мазмунли маърузалари соҳибқирон бобомизга нисбатан дунё миқёсида адолатли карашларнинг қайтадан уйғонишида катта аҳамият касб этди.

Бугун Ўзбекистонда соҳибқироннинг миллатимиз ҳамда умуминсоният тарихидаги фахрли ва салобатли ўрнини теран идрок этган янги авлод дунёга келди. Илмий – тарихий тадқиқотчиликда ва таълим-тарбия соҳасида Амир Темур даҳосини замонавий тушуниш тобора такомиллашмоқда. Адабиёт ва санъатда бу мавзуда ажойиб асарлар дунёга келяпти. Шу билан бирга, тарихчи олимларимиз, матншунос мутахассислар, ёзувчилар, публицистлар Шарқда ва Ғарбда, узоқ тарихда ва ҳозирги кунларда Амир Темур ҳақида яратилган кўпгина тарихий илмий ва адабий асарлар билан ҳозирги авлодни таништириш йўлида фидокорона меҳнатлар қилмоқдалар. Халқимизга етказилаётган бундай маънавий бойлик орасида, айниқса, Амир Темурни бевосита кўрган-билган, у билан юзма-юз мулоқотда бўлган муаллифларнинг қаламига мансуб асарлар ғоятда қимматлидир.

Атоқли адабиётшунос олим, профессор Очил Тоғаев томонидан ўзбек тилига таржима қилинган испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг “Самарқандга – Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар)” асари шу жиҳатдан алоҳида диққатни тортади.

Клавихо “Кундалиги” соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва оламшумул тарихий хизматларига доир, шак-шубҳасиз, бебаҳо тарихий манбалардан биридир. “Кундалик” Кастилия ва Леон қироли Энрико III (1390-1407 йиллар) томонидан Амир Темур хузурига йўлланган Руи Гонсалес де Клавихо бошлиқ элчилар босиб ўтган улкан ва машаққатли йўл хотираларидан иборат бўлиб, у испан элчисининг 1403-1406 йилларда Ўрта ер денгизи соҳилидаги мамлакатларда, Туркияда, Кавказorti ерларида, Эронда ва Туронзаминида, хусусан, Амир Темур салтанатида ҳамда бевосита унинг саройида кўрган-билганларини, бу даврда элчининг ўз қалбида кечган турли-туман ўй-фикрларини ҳам акс эттирган.

Шу ўринда китоб муаллифи – Клавихонинг ўз тақдири, ҳаёт йўли ва фаолияти тўғрисида ҳам қисқача бўлсада, маълумот бериб ўтиш мақсадга мувофиқ. Руи Гонсалес де Клавихо Кастилия (Испания) даги бадавлат ва нуфузли оилада туғилиб вояга етган. Отаси ҳам, ўзи ҳам қирол саройида катта мансабларда турганлар. Унинг аجدодлари Энрико III нинг ота-боболари – Энрико II ва Хуан I нинг саройида хизматда бўлишган.

Маълумки, Амир Темур даврида Ўрта ер денгизи ҳудудидаги Пиреней яримороти (Испания) бир неча графлик ва қиролликларга бўлиниб кетган эди. Уларнинг ичида қудратлиси – Кастилия қироллиги эди ва кейинчалик Испания шу қироллик атрофида бирлашади. Алоҳида таъкидлаб айтиш мумкинки, бу бирлашувда Кастилиянинг Европа давлатлари орасида биринчилардан бўлиб Амир Темур салтанати билан ўрнатган элчилик муносабатлари шакл-шубҳасиз хайрли омиллардан бирига айланди. Тарихдан маълумки, Амир Темур даврида Испания ва бошқа Европа давлатлари Усмонли турк империяси ҳуружларидан таҳликага тушиб қолган эди. Соҳибқирон бобомиз тарих сахнасига чиқиб, аввал она ватанини мўғуллар асоратидан, Россия ва Украинани Олтин Ўрда таҳдидидан ҳалос этди. Усмонли турк империяси таҳдиди остида яшаган Европа давлатлари Амир Темур қудратига нажот билан қарай бошлади. Англия, Франция, Испания, Генуя, Византия сингари давлатларнинг ҳукмдорлари Амир Темур билан иқтисодий-савдо ва сиёсий муносабатларини ўрнатишга киришиб, улуғ жаҳонгир ҳузурига бирин-кетин ўз элчиларини жўнатдилар. Жумладан, Кастилия ва Леон қироли Дон Энрико III 1402 йилда, ёз ойларида ўзининг биринчи элчиларини – Пайо де Сотомайор ва Эрнан Санчес Паласуэлосни Амир Темур Туркияда эканида, ҳузурига сафарбар этди. Соҳибқирон Испаниянинг ана шу биринчи элчиларига алоҳида ҳурмат кўзи билан қараб, улар ўз ватанига қайтар экан, икки давлат ўртасида дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида ўз салтанатининг элчиси Хўжа Муҳаммад қози ал-Кешийни ҳам Испания элчиларига қўшиб, Энрико III ҳузурига йўллайди. (Бу зот ўша даврдаги Испания расмий ҳужжатларида “ал-Қозий”, Клавихо

асарида эса Магомет Алькаги деб кўрсатилган). Шу тарика, буюк бобомиз ватанимиз билан Европани боғлайдиган элчилик алоқаларига асос солди. Кешнинг яна бир илғор намояндаси – Мавлоно Абдуллоҳ Кеший Амир Темур томонидан Миср султони Фараж хузурига элчи сифатида жўнатилган.

1403 йилда Энрико III Амир Темур салтанатининг Усмонлилар империяси устидан эришган ғалабасидан сўнг зудлик билан Амир Темур хузурига иккинчи элчилар гуруҳини сафарбар этди. Ўн уч кишидан иборат бу гуруҳга Энрико III саройида сўзга чечан ва оташин нотик сифатида танилган Руи Гонсалес де Клавихо бошчилик қилди. 1403 йилнинг 22 май куни Жанубий Испаниянинг Кадис шаҳридаги бандаргоҳдан йўлга чиққан элчилар, орадан 15 ой ўтиб, 1404 йил август оyi охирида Самарқанд атрофидаги Амир Темур боғларидан бирига етиб келдилар ва 8 сентябрь куни соҳибқирон томонидан қабул қилинди... Кейинчалик Клавихо Испанияга қайтиб боргач, бир ой ўтиб, ўз “Кундалиги”ни сафар ҳисоботи тарзида тайёрлаб, қирол Энрико III га тақдим этди. У Толедо шаҳрида қиролнинг васиятномасини тузишда ҳам иштирок этган масъул мулозимлардан биридир.

Қирол Энрико III 1407 йилда вафот этганидан кейин, Клавихо давлат ишларидан истеъфога чиқиб, Кастилия пойтахти Алкала де Энаресдан она шаҳри Мадридга қайтиб келади ва умрининг охиригача шу шаҳарда истиқомат қилади. У 1412 йилда вафот этиб, Мадрид шаҳрининг авлиё Франциско черкови ҳудудидаги ота-боболари хилхонасида дафн этилган.

Шу ўринда яна бир диққатга сазовор изох: Мадриднинг марказий кўчаларидан бирига Руи Гонсалес де Клавихо номи берилган. Бу кўча ҳозир ҳам мавжуд, ҳамон гавжум ҳамда унда серфайз ҳаёт ҳукмрон. Элчилар тарихда кўп ўтган аммо Клавиходай, номи кўчалар пештоқида абадийлаштирилган элчилар жуда кам. Бу – испан халқини Амир Темур салтанати билан дўст айлаган ўз бобокалон элчисига чуқур эҳтиромининг далолатидир.

Шу кўча номи билан боғлиқ яна бир тарихий муҳим воқеани албатта, фахрланиб тилга оламиз. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 2003 йилнинг 27-29 январь кунларида Испания қироллигига қилган расмий давлат сафари пайтида давлатимиз раҳбарининг Испаниядаги муҳим учрашувидан бири – Мадрид шаҳри мери Хоси Мария Алварес дел Манзино билан суҳбат – айнан Руи Гонсалес де Клавихо номи билан боғлиқ ана шу кўчадаги мухташам бинода бўлиб ўтди. Бунинг ўзида ҳам эзгу бир рамзий маъно бор.

Айнан Президентимиз Испанияга давлат ташрифи билан борган 2003 йилда испан элчиси Клавихонинг Амир Темур хузурига, 1403 йилда қилган сафарига роппа-роса 600 йил тўлди. Шундай қилиб, Амир Темур даврида мамлакатларимиз ўртасида боғланган самимий дўстлик алоқалари истиқлол даврига келиб, Президентимиз Ислом Каримовнинг Испанияга давлат ташрифи муносабати билан қайтадан тикланди ва тўхтовсиз мустаҳкамланиб бориб, ажойиб самаралар бермоқда.

Бугун Клавихонинг номи ва унинг тарихий хизматлари нафақат Испанияда, балки Ўзбекистонда ҳам қайтадан баралла садо бериб, чуқур ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлмоқда. Ўзбекистон ва Испания мутахассисларининг ўзаро ҳамкорлигида бу иккала давлатнинг Клавихо даври ва ҳозирги кундаги ҳамкорлик алоқалари ҳақида йирик кўргазма ташкил этилиб, У Испания пойтахти Мадридда, ватанимиз пойтахти Тошкентда, Самарқандда ва Шаҳрисабзда намоиш этилганлиги фикримизнинг бир далилидир.

Истиқлолга эришгуниimizга қадар Клавихонинг Амир Темур ҳақидаги машҳур “Кундалик” асарини ўзбек тилига ўгириб, халқимизга тақдим этиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Бунинг оқибатида, халқимиз Клавихо асарининг Европа тилларига, жумладан, рус тилига қилинган таржималари тўғрисидаги маълумотларни эшитишдан нарига ўта олмай келди. Тўғри, Клавихо китобидан айрим иқтибосларни тарихчи олимларнинг китобларида учратамиз. Аммо бу иқтибослар зинҳор Амир Темурни англаш, тушунишга эмас, балки уни қоралаш, бадном этишдек мақсадларга хизмат

килиб келди. Мана, айрим далиллар. Академик В.В. Бартольд ўзининг “Темур салтанати” (“Царствование Тимура”) мақоласида қуйидагича ёзади: “Клавихо ва Ибн Арабшоҳ ҳикояларидан хулоса қилиш мумкинки, худди Чингизхон каби Темур ўз фаолиятини қароқчилар тўдасининг сардори сифатида бошлаган”¹. Академик А. Якубовский ўзининг “Тамерлан. Эпоха. Личность. Деяние” китобида Клавихо битигидан Амир Темурнинг Самарқанддаги Кўксарой қасрида мавжуд қурол ишлаб чиқарувчи устахонасига оид сўзларни кўчирма қилиб келтириб, ундан шундай хулоса ясайди: “Бу мўғуллар даврига хос корхона бўлиб, унда эксплуатациянинг ярим қуллик даражасидаги шакли ҳукм сурган...”

Бу иқтибос сўзларнинг маъноси алоҳида шарҳни талаб қилмайди. Уларда ғаразғўй сиёсатга қул бўлган тадқиқотчиларнинг шу қадар ғаразли нуқтаи назари яққол аён этиб турибди.

Клавихонинг “Кундалик” номаси илк марта 1582 йилда Севилья шаҳрида Арготе де-Молина томонидан “Хистория дел гранд Таморлан” (“Буюк Темурланг тарихи”) номи остида дунё юзини кўрди. Шу ўринда, китобнинг бундай номланиши алоҳида изоҳни тақозо этади. Ишончимиз комилки, Клавихонинг ўзи ҳаёт бўлганида, Амир Темур ҳақидаги битигини бундай номланишига асло рози бўлмас эди. Чунки у ўз асарининг бошидан охиригача соҳибқирон бобокалонимизни “Темурбек” ёки “Улуғ Амир” деб, катта эҳтиром билан тилга олган. Бунинг устига, ўз асарининг 71-бобида Клавихо шундай деб ёзади: “Темурбекнинг асил исми биз атаганимиздай Темурланг эмас, Темурбекдир. Чунки Темурбек уларнинг ўз тилида “Темур подшо” дегани, подшо эса уларнинг тилида “бек”... Уни таҳқирлаш маъносида “Темурланг”, яъни оқсоқ Темур деб атайдилар”. Пировардида, Клавихо ўз китобини ҳам “Буюк Темурбек тарихи” деб аташни тасаввур қилишимиз мумкин. “Темурбек” ибораси айнан Амир Темурнинг ўз ватанида, Туронзаминда кенг тарқалганлиги учун ҳам Клавихо ундан чекинмаган бўлур эди.

¹ Бартольд ВВ. Сочинения. – Москва: “Наука”, 1964. Том 2. Стр. 37-62.

Испанияда шундан кейин ушбу асар 1779 йилда Амирола деган ношир томонидан Кастилия қироллигига бағишланган йилномалар ва мемуарлар тўпламининг 3-жилди ичида чоп этилди. 1782 йилда эса Антонио Санча исмли ношир испанларга уни яна алоҳида китоб ҳолида тақдим этди. Ниҳоят, 1943 йилда Мадридда атоқли тарихчи олим Фердинанд Лопес Эстрада томонидан “Кундалик”нинг испан тилидаги навбатдаги нашри амалга оширилди.

1.2. Клавихо асарининг бошқа тиллардаги таржималари ва нашрлари

Руи Гонсалес де Клавихонинг қомусий, тарихий мазмунли асари тез орада Европада ҳам машҳур бўлиб кетди. Клавихонинг “Саёҳат кундалиги” асари 1859 йилда Лондонда К. Маркхэм таржимасида инглиз тилида чиқди. Ушбу таржима “Кундалик”нинг 1782 йилдаги Антонио Санча томонидан тайёрланган испанча нашри манбаида амалга оширилди. Бироқ бу таржима кейинчалик таниқли тилшунос олими Г. Ле Стренж томонидан сифатсиз, деб топилди.

“Кундалик”нинг хорижий тилдаги иккинчи таржимаси атоқли рус тилшунос олими, академик И.И. Срезневский томонидан рўёбга чиқарилди. И.И. Срезневский “Кундалик”нинг ҳар бир кун хотиралари билан боғлиқ қисмларини бобларга ажратиб, уларни алоҳида номлар билан атади, китобга кенг қўламли “изоҳ”ни илова этди. Бу русча таржима 1881 йилда Санкт-Петербургда нашр қилинди. И.И. Срезневский китоб номини белгилашда бевосита Клавихонинг фикр ва қарашларига таянган. Уни “Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406)” деб атаган. Китобнинг бундай номи “Кундалик”нинг жаҳондаги бошқа тиларга қилинган таржималарига ҳам асос қилиб олинган.

Орадан 50 йил ўтиб, 1928 йилда Ле Стрэнж Клавихо асарини инглиз тилига қайтадан таржима қилади. Ушбу таржима “Кундалик”нинг 1782 йилдаги испанча нашрига ҳамда Ле Стрэнжнинг ўзи “муваффақиятли, анча

мукаммал таржима” деб эътироф этган И.И. Срезневскийнинг русча таржимасига асосланган холда бажарилган.

1970 – 1971 йилларда Клавихо асарининг Лондонда К. Маркхэм томонидан тайёрланган инглизча таржимаси ва И.И. Срезневскийнинг русча таржимаси “Кундалик”нинг испанча матни билан ёнма-ён ҳолатда, яна бир марта нашр этилади.

Клавихонинг “Кундалик” асари шунингдек, Японияда, Францияда, Россияда, Аргентинада, Туркияда, Эронда ҳам бир неча марта, қайта ва қайта китобхонларга тақдим этилган.

Бу асар энг сўнгги марта 1990 йилда И.С. Мирокова таржимасида, рус тилида Москвадаги “Наука” нашриёти томонидан босмадан чиқарилди.

Ниҳоят, ўтган асрнинг иккинчи ярми, 80-йилларида бу машҳур тарихий ёзма ёдгорликни ўзбек тилига филология фанлари доктори, профессор Очил Тоғаев таржима қилди. Шундай қилиб, ушбу таржима мамлакатимизда хуррият шабадалари энди эса бошлаган жўшқин бир даврда таржима қилиниб, даставвал “Санъат” журналининг 1988 – 1990 йиллардаги 15 та сонидида узлуксиз эълон қилиб борилди. Шундан кейин таржиманинг бевосита Амир Темур ва унинг салтанати тўғрисидаги йирик бир қисми академик Бўрибой Аҳмедовнинг қисқача муқаддима сўзи билан “Амир Темур ва Мирзо Улуғбек замондошлари хотирасида” номли китоб таркибида 1996 йилда нашр этилди.

2010 йили эса Клавихонинг бу машҳур асари “Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар)” номи остида тўла ҳолида ўзбек тилида “Ўзбекистон” нашриёти томонидан нашрдан чиқарилди.

Шу ўринда Клавихо асарининг ўзбек тилидаги бошқа таржималари хусусида ҳам тўхталиб ўтмоқ лозим. 2006 йили ёш таржимон Улуғбек Жўраев томонидан бу асарнинг бевосита эски испан тилидан (И.С. Мирокованинг 1990 йилдаги русча таржимасига ҳам суянилган холда) қилган таржимаси озгина бир нусхада нашр қилинган эди. Ёш таржимоннинг дадил меҳнатини эътроф этган холда, барибир, адабиётшунос олим Очил Тоғаев

томонидан бажарилган таржима ҳозирги кунда ўзбек тилида Клавихо асарининг талаблар даражасида нисбатан мукаммал ва тўлиқ таржимаси эканлигини қайд этиш мумкин. Буни асарнинг ўзбекчага қилинган ҳар икки таржимасини ўзаро қиёслаб кўрган ҳар бир китобхон илк саҳифалардаёқ дарҳол хис қилади. Очил Тоғаев асардаги ҳеч бир иборани, ҳеч бир лавҳани, воқеа-ҳодисани эътибордан четда қолдирмаган. Асарни тўлақонли яхлитлигида ўқувчига етказишни ўз олдига қатъий мақсад этиб қўйган ва шу ниятига эришган.

Қолаверса, Очил Тоғаев ўз олдида турган вазифанинг мураккаблигини хис этиб, катта илмий-тарихий тайёргарликлардан кейингина таржимага киришганлигига китобни ўқиб чиққан ҳар бир киши пайқаш мумкин. Очил Тоғаев соҳибқирон бобокалонимизга бағишланган жуда кўп тарихий ва замонавий илмий асарларни синчковлик билан ўрганиб чиқиб, булар асосида, яъни асарни руҳини сақлаган ҳолда таржима қилишга муваффақ бўлган. Таржима жараёни тарихчи олимлар билан, айниқса Бўрибой Аҳмедов билан тез-тез кўришиб, маслаҳатлашиб иш кўрганлигини асар таржимаси сўзбошисида ёзиб қолдирган. Клавихо асарида тилга олинган тарихий жойлар ва шахсларнинг номлари, Амир Темур давридаги турли лавозимларнинг қандай аталишини аниқлаш масаласида катта қийинчиликларга дуч келди ва имкон қадар ўз мақсадига эришди.

Клавихонинг ушбу асари саҳифаларида соҳибқирон Амир Темур сиймоси худди тирикдай гавдаланиб туради. Бунинг сабаби шундаки, Клавихо бевосита соҳибқирон саройида бирмунча муддат яшаб, у билан қайта-қайта кўришган, юзма-юз мулоқотда бўлган. Амир Темур хазратларини турлича шароитларда – сарой аёнлари, хорижий элчилар, Самарқанд аҳли ва салтанат амирлари билан учрашувлар, темурий шахзодалар ва маликалар билан муносабатлар вазиятида кузатган. “Кундалик”да муаллифнинг бу кўрган-кечирганлари, шахсий таассуротлари, фикр-ўйлари тўла ўз ифодасини топган. Амир Темур сиймосига ва унинг салтанатидаги ўзига хос ҳаётга

қизиққан ер юзидаги барча кишилар Клавихо “Кундалик” номасидан ўзи учун бой ва қизиқарли маълумотларни топиши табиий.

Китобнинг иккинчи бир зига хос хусусияти – унинг кундалик тартибида битилганлигидир. Кундалик бўлганда ҳам, бетакрор мазмун ва моҳиятли кундаликдир. Яъни у бирон тарихчи олим ёки ёзувчининг эмас, балки айнан ўз қиролининг алоҳида топшириқ ва дастурий кўрсатмалари билан йўлга тушган элчининг нуқтаи назарини, фикр-ўйларини ва кузатишларини ўз саҳифаларида мужассам этган ҳисобот, ҳужжат, маълумотнома тарзидаги асардир. Шу билан бирга, ушбу ҳисоботнома ўз даврининг юксак ўқимишли, билимдон, мустақил, синчков кузатиш салоҳиятига эга зиёли шахсининг жонли, мароқли ҳикоялари ва саргузаштлари билан нурланиб туради. Бунинг устига, унинг айнан европалик элчи эканлиги қаламга олинган барча манзараларга, воқеа-ҳодисаларга, Амир Темур шахсига ва салтанатидаги тартиб-қоидаларга ўзгача ёндашувларида яққол сезилиб туради.

Клавихо бошлиқ элчилар гуруҳининг жуда узок, хавф-хатар ва машаққатлар билан тўла сафар бўлди. Шуни ҳам айтиш керакки, ўшанда Клавихо билан бирга Бобил (Миср) ва Туркия султонининг элчилари ҳам Самарқандга ташриф буюрган эдилар.

Клавихо кундалигида ўша вақтларда Амир Темур қўли остидаги мамлакатлар ва шаҳарларнинг умумий аҳволи, аҳолининг кун кечириши, Амир Темур ва яқинлари ташаббуси билан барпо этилган бинолар: қасрлар, масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар, савдо расталари, дўконлар, устахоналар; темурийлар давлатининг Хитой, Ҳиндистон, Олтин Ўрда (Клавихо уни ўз асарида “Тотористон” деб атаган), Мўғулистон ва бошқа мамлакатлар билан бўлган сиёсий ва савдо алоқалари; Амир Темур саройида амалда бўлган тартиб-қоидалар ва ниҳоят Амир Темурнинг хотинлари ҳамда уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ҳақида эътиборга молик маълумотлар келтирилган. Бу маълумотлар шубҳасиз, ватанимизнинг ўша вақтлардаги ижтимоий-сиёсий тарихини, ота-боболаримизнинг турмуш тарзини ўрганишда муҳим тарихий манбалардан бири бўлиши турган гап.

Сўзимизнинг исботи учун бир неча мисол келтирамиз. Самарқанднинг бойлиги ҳақида: “Бу юрт дон-дун, май, мева-чева, парранда гўшти, (бошқа) ҳар-хил гўшт, қўйингки, ҳамма нарсага бойдир... бир жуфт семиз қўйнинг нархи бир дукат.”

Катта хиёбон ва савдо расталари ҳақида: “Самарқанд шаҳрида ҳар йили Хитой, Ҳиндистон, Тотористон (Олтин Ўрда) ва бошқа мамлакатлардан, шунингдек, бениҳоят бой Самарқанд салтантининг ўзидан келтирилган моллар сотилади. Шаҳарга келтирилган молларни бир сафда тартиб билан жойлаштириб сотадиган кенг жой (шу пайтгача) йўқ эди. Подшо икки тарафида қатор дўконлар ўрнатилган савдо растасидан иборат кўча ўтказишни буюрди. Мазкур кўча шаҳарнинг бир чеккасидан бошланиб, ққ ўртасидан ўтиб, иккинчи чеккасидан чиқиши лозим эди. Подшо ишни икки мирзосига (икки амирига бўлса керак) топшириб, улар кечаю-кундуз (тинмай) меҳнат қилдилар. Йўлга тушган уйлар, кимники бўлишидан қатъий назар бетўхтов бузилди... Кўчанинг икки тарафига дўконлар ўрнатишди, ҳар бир дўкон олдида мармар билан қопланган баланд курсилар ўрнатишди. Ҳар бир дўкон иккита хонадан иборат эди. Кўчанинг тепаси гумбаз шаклида ёпилган бўлиб, (тепасида) ёруғлик тушиб турадиган туйнукчалар қўйилган.”

“Шу йили (1404 йил) июнь ойида Хонбалик (Хитой пойтахти Пекиннинг тарихий номларидан бири, Клавихо даврида ҳам, афтидан, у Хонбалик деб аталган бўлса керак) шаҳридан қарийб 800 туядан ташкил топган савдо қарвони Самарқандга келди”.

Ўрдабозор тасвири: (Катта тўй муносабати билан) подшо “Самарқанд шаҳрининг савдо аҳли: саррофлар, читфурушлар, жавоҳир ва бошқа турли-туман моллар билан савдо қилувчилар, ошпазлар, қассоблар, нонвойлар, тикувчилар, кавушдўзлар ва шаҳардаги бошқа барча ҳунармандлар подшо ўрдаси жойлашган ялангликка чиқиб ва чодир тикиб савдо қилсинлар, ҳар бир косиб қароргоҳ бўйлаб кезиб ўйин-кулгу билан одамларни баҳри-дилини очсинлар”, - деб буюрди. Шундан кейин барча тижорат аҳли шаҳардан чиқиб подшо қароргоҳи атрофига жойлашдилар. Ҳар бир ҳунарманд тартиб билан

алоҳида-алоҳида раста ҳосил қилиб, ўйин-кулгу уюштиришиб, қароргоҳ бўйлаб айландилар”.

Кўксарой қасри ва ундаги подшога тегишли қурол ишлаб чиқарувчи устахона ҳақида: “Шаҳар четида бир қаср бўлиб... теварак атрофи сув оқиб турган хандақ билан ўралган, қаср йўлаб бўлмайдиган истехкомга айланган эди. Қасрда подшонинг хазинаси сақланар, шу сабадан қозию-қуззот ва унинг мулозимларидан бошқа ҳеч ким киролмас эди. Бу ерга подшонинг фармойишига биноан, бир мингга яқин ҳунарманд асирлар жойлаштирилган, улар салтанат учун йил бўйи совут, дубулға, камон, найза ясайдилар.”

Амир Темурининг ўзи билан бирга олиб юрадиган кўчма масжиди: “элчиларни... саропарда ичида ўрнатилган ёғоч уй олдига бошлаб келдилар. Бу юксак иморатга зинапоя орқали чиқилади. Унинг теварак атрофи ёғоч дахлиз ва ойнаванд айвон билан ўралган эди. Бошдан оёқ зарҳал ва ҳаворанг бўёқлар билан нақшланган, бино шундай қурилган эдики, керак бўлганда, уни бўлак-бўлакка ажратиб тахлаб қўйса (ҳам) бўларди. Бу – подшо ибодат қиладиган масжид бўлиб, уни (Амир Темури) сафарда ўзи билан бирга олиб юрарди.”

Маҳаллий халқнинг (уни Клавихо “чиғатоийлар” деб атади) турмуш тарзи ҳақида: “У меҳмонсевар, моҳир чавандоз, камон отувчи мерган, умуман урушда сабот – матонатли халқ. У бориға қаноат қилиб, нонсиз (биргина) сут ва гўшт билан ҳам кун кечираверадиган, гўштлик ва гўштсиз овқат билан ҳам тирикчилик қилишга ўрганган халқ. Иссиқ ва совукда, очлик ва ташналикка жаҳондаги бошқа эллардан саботлироқ ва чидамлироқ халқ. Борида гўшти хаддан ортиқ истеъмол қиладди, йўғида сувга қатиқ қўшиб қайнатиб ичиш билан кифояланади”.

Амир Темури салтанатидаги мажбуриятлардан бири: “Темурбек отлари ва қўйларини ўз ясовулларидан бирига бир минг, бошқасига ўн минг бошини сурув қилиб, сақлаш учун бўлиб берган. Подшо талаб қилганида, ясовуллар сурувларни қайтаролмаган ёки туёғини мўлжалдагидан камайтириб

кайтарган тақдирда подшо ҳеч қандай товон тўлаш шартларига кўнмайди, борини оладию, лекин гуноҳкорни қатлга буюради”.

Амир Темур саройида аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари: Клавихо баён этишича, 1404 йилнинг 23 сентябрида подшо Боғи Дилкушода (яна бир) катта базм бериб, элчиларни ҳам унга таклиф этади. Тўйга кўп меҳмонлар келишади... Роса ўйин-кулги, хурсандчилик бўлади. Подшонинг хотинлари, аввалги тўйлардаги сингари ясан-тусан кийинишиб базмда ҳозир бладилар, эркаклар билан бирга ўйин-кулги қиладилар. 118-бобда Хонзодабегим хузуридаги базм тасвирида ҳам соҳибқирон салтанатида аёлларнинг қадри кимати беҳад баланд тутилиши ҳаққоний ҳикоя қилинган.

“Кундалик”да шунга ўхшаш қизиқарли маълумотлар жуда кўп учрайди.

Бундан ташқари “Кундалик”да ўрта асрлардаги Европа ва Осиё мамлакатларидаги одамларнинг турмуш тарзи, ҳаёт манзаралари, турли халқларнинг ўзига хос урф-одатлари, анъаналари, ривоятлари, тартиб-қоидалар, ўша давр географияси, иқлими, денгизлар, ороллар, қумлик саҳролар, поёнсиз даштлар, тоғлар, кўллар, обод ва хароба шаҳарлар тўғрисида ғоятда ранг-баранг, кенг қамровли, ўзига хос ноёб маълумотлар ўрин олган. Худди шундай маълумот бойликларига кўра, ушбу китоб бизга замондош бўлган турли йўналишдаги илмий тадқиқотчилар учун бебаҳо манба бўла олади. Ундан сиёсатчилар ҳам, иқтисодчилар ҳам, ҳуқуқшунослар ҳам, табиатшунослару географлар ҳам, ёзувчилару этнографлар ҳам ўзлари учун ўрта асрларга оид қомусий маълумот ва кузатишларни топа оладилар.

Шу билан бирга, Клавихонинг битигида айрим ноаниқликлар, бахсли ўринлар ҳам кўзга ташланади. Улардан баъзиларини мисол тариқасида келтирамиз:

“Айтишларича, - деб ёзади Клавихо, - Темурбек ўзининг тўрт-беш хизматкори билан қўшни хонадонларнинг бир куни қўйини, иккинчи куни сигирини тортиб олабошлайди... Баъзан базмга берилиб кетиб, ўғирланган қўйлар билан уларни меҳмон қиларди. Баъзан жасурлиги, олийжаноблиги

тутиб кетиб, бор нарсасини ўз одамларига сидқидилдан бўлиб берганлиги туфайли, унинг атрофига кўп одамлар тўплана бошлайди. Охири, унинг отлиқлари 300 тага етади. Шундан кейин у ўз отлиқлари билан узоқларга бориб ўзи ва одамларига керак бўлган нарсаларни талаш ва ўғирлаш билан машғул бўлади, йўлларга чикиб савдогарларни ҳам талай бошлайди”. Айтишимиз керакки, мавжуд тарихий асарларда Амир Темурнинг ўғри ва йўлтўсар бўлганлиги ҳақида ҳеч бир маълумот учрамайди. Айникса, ўз ҳукмронлиги даврида салтанати доирасида савдо йўлларини ва савдогарларни йўлтўсарлардан қатъий ҳимоя қилган Амир Темур йигитлик даврида “савдогарларни талагани” яққол тухматдир. Яна бир далил: Низомиддин Шомий ўзининг “Зафарнома” асрида Амир Темур ўз наварларидан бир нечаси савдогарларга ҳужум қилганлиги учун қаттиқ қийинчилигини ва савдогарларга тегишли молларни эгаларига қайтарганлигини ёзиб қолдирган.¹ Клавихо эса бу узунқулоқ гапларни кимлардандир эшитганлигини айтади. “Кундалик”да шу тарзда Клавихо бевосита ўзи кўрган-билганларидан ташқари анча-мунча шунга ўхшаш, бошқалардан эшитган, оғизда юрган, аммо яхши текшириб, ҳақиқат қилинмаган гапларга ҳам ўрин берган.

“Кундалик”нинг 107-бобида Чиғатойнинг ўлими ва 147-бобда Халил Султоннинг Амир Темур вафот қилган кунларидаги аҳволи ҳақида айтилган гаплар ҳам ҳақиқатдан йироқдир. Масалан, Клавихонинг айтишича, Чиғатой Самарқандда маҳаллий халқ кўли билан ўлдирилган. Халил Султон бўлса, Амир Темур вафот қилган кунлари Самарқандда бўлган эмиш. Аслида бундай бўлган эмас. Чиғатой ўз ўрдасида, Или дарёси бўйида 1242 йили вафот қилган². Халил Султон эса Амир Темур вақот этган куни Тошкентда бўлган.

¹ Низомиддин Шомий. “Зафарнома”. – Тошкент, “Ўзбекистон”, 1996. 65-бет.

² Бартольд В.В. Чагатайхан. Сочинение. Том 11. часть 2. – Москва, 1964. Стр. 540.

Клавихонинг “Кундалиги”да баён этилган Чингизхон ва унинг ўғиллари ҳамда Хитой давлати тўғрисидаги маълумотлар ҳам тарихий ҳақиқатдан кўра, халқ орасида юрган миш-мишларга асослангандир.

Асарда учраган яна бир муаммо, бу – киши ва жой номларининг ёзилишидаги чалкашликлардир. Албатта, Клавиходай мухожир одам учун маҳаллий атамалар ва сўзларни талаффуз қилиш жуда қийин. “Кундалик”да эса тилга олинган Амират – Мурод эканлигини, Хохарок – Шохрух Мирзо, Кариль султан – Халил Султон, Кирманоли – Мануил Палеолог, Карамиш – Тўхтамиш, Миаха мирасса – Мироншоҳ Мирзо эканлигини; Ангури – Анкара, Балдат – Бағдод, Баубертель – Бовард, Канбалек – Хонбалиқ, Каррас – Аракс, Орасан – Хуросон эканлигини англаш мумкин ва буни таржимон тўғри аниқлай билган. Лекин “Кундалик”да Буамо, Жагаро каби жой номлари ҳам борки, уларни аниқлаш анча мушкул. Бу жой номларини аниқлаш Клавихо асари бўйича тадқиқот билан шуғулланувчилар олдида ҳамон вазифа бўлиб турибди.

Шунга қарамасдан, ушбу китоб сўнггида берилган “изоҳ”лар муштарийларга Клавихо “Кундалиги” билан танишувни нисбатан енгиллаштиради.

Клавихонинг амир Темур саройига саёҳати “Кундалиги” бундай ноаниқликларидан ҳамда унинг айрим ўринларида бахсли талқин ва қарашлар мавжудлигидан қатъий назар, ўзининг тарихан аниқ ва муҳим маълумотларга бойлигига кўра, умуминсоният тарихининг доимо тирик ёдгорликларидан бири бўлиб қолаверади. Амир Темур сиймоси эсланар экан, ушбу асарни ҳам албатта эслашади. Жумладан, мустақиллигимиз шарофати билан уни ўз она тилида тўласинча нашр сифатида ўқишга муяссар бўлаётган халқимизнинг ҳозирги авлодлари Клавиходан алоҳида миннатдор бўлишлари шак-шубҳасиздир. Ушбу китоб тарихий қарашимизни чуқурлаштиради. Соҳибқирон Амир Темур ва унинг салтанатида ҳукм сурган бетакрор ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳамда бобокалонимизнинг ўз шахсияти тўғрисидаги

тасаввурларимизга нодир аниқликларни киритади. Бизни буюк бобокалонимизга, Амир Темурни бизга руҳан ва маънан яқинлаштиради.

Амир Темур – буюк миллий даҳодир. Президентимиз Ислам Каримов бу буюк сиймога доир маърузаларидан бирида айтганларидай: “Амир Темурни англаш – ўзимизни англашдир”. Клавихо асари шу эзга мақсадга хизмат қиладиган бебаҳо манбадир.

2-боб. КЛАВИХО АСАРИДА АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДАГИ СИЁСИЙ, ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ

2.1. Амир Темурнинг Ғарб давлатлари билан дипломатик алоқалари

Шарқнинг қимматбаҳо моллари азалдан ғарб мамлакатлари савдогарларининг диққатини жалб қилиб келган. Шойи, қимматбаҳо маъданлар ва тошлар, дориворлар ва Шарқнинг афсонавий турфа бойликлари ғарб мамлакатларида доим манзур бўлган. Яккахудолик, лекин ҳар хил диний эътиқод: Шарқда исломнинг ва ғарбда насронийликнинг ғалабаси савдотик ишларига монелик қила олмади.

Хатто, салиб юришлари даврида ҳам Шарқ билан Ғарб ўртасида савдо унумли ривожланиб борди. Бироқ XIV аср ўртасида Эрон ва Ироқда мўғулларнинг Ҳулоғуийлар сулоласи салтанатининг тугаши ва ўша даврда Олтин Ўрдада мўғуллар ҳукмининг сусайиши билан боғлиқ бўлган нотинчликлар юзага келиши сабабли ғарб савдогарлари ва моллари учун Марказий Осиё бозорларига йўл ёпилди ва бу халқаро савдога талафот етказди.

XIV аср охирида ёш Усмонли давлатининг кучайиши ва унинг Эгей ҳамда Қора денгизларни туташтирувчи бўғозларни ўз қўлига олиши натижасида ғарбликлар учун Марказий Осиё ва Узоқ Шарққа олиб борувчи йўллар ёпилди. Шу тариқа ғарб мамлакатлари учун «турк масаласи» юзага келди. Уни хал қилмай туриб, Ҳиндистон ва Хитойга ўтиб бўлмасди.

Европа салибчилари 1396 йили Болгариядаги Никопол шаҳри яқинида мағлубиятга учраганларидан сўнг Византия императори Мануил II Палеолог (1391-1425) (Шарқ манбаларида Такур деб аталган) 1399 йили ғарбдан ёрдам сўраб мурожаат қилди. У туркларга қарши Рим папаси билан иттифок тузмоқчи эди¹.

¹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи (энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). – Т.: “Шарқ”, 2001. 209-бет.

Шу кезларда Амир Темур қудрати ва унинг кўп ерларни забт этгани ҳақида Трапезунд салтанати орқали Европага хабарлар ета бошлади. Ғарб давлатлари раҳбарлари Амир Темур билан мулоқотга киришдилар.

1400 йил августида Амир Темур ўз лашкари билан Шимоли-шарқий Анатолиядаги Мингкўл яқинида турганида худди шундай имконият туғилган эди.

«Бу маҳалда Фарангдин элчилар келиб, — деб ёзади Шарафуддин Али Яздий, - Муродбекнинг ўғли, Рум қайсарларидин эрди ва фаранг эли ани асир қилиб эрдилар, ани келтурдилар. Беклар элчиларни соҳибқиронга кўрсатди, хазрат аларни раҳим кўрди, тўнлар қийдуруб ёндурди. Ва алар Тарабзун йўлидин қайтиб бордилар».¹

Бошқа манбаларга кўра, келган элчилар аслида Константинополнинг Пера даҳасидан келган генуяликлардир. Элчилар не мақсадда келганликлари ҳақида айтилмаган бўлса ҳам, Амир Темур бундан аввалроқ Трапезунд (Тарабзон) салтанати билан алоқа ўрнатганлиги маълум.

Бинобарин, Амир Темур XIV асрнинг охириги ўн йиллигида Византия салтанати билан ҳам алоқа ўрнатган, чунки Трапезунд Константинополь маъмурлари ва Пера билан узвий боғлиқ эди.

Демак, бундан кўринадики, Амир Темур Боязидга қарши курашда ўзининг қуруқликдаги ҳаракатларини генуяликлар ва юнонларнинг сувдаги ҳаракатлари билан мослаштирмоқчи бўлган².

Амир Темур билан европаликлар ўртасида неча ўнлаб элчиликлар бўлган. Кўпинча адабий ёки тарихий ёдгорликларда изи қолган элчиликлар эслатиб ўтилади. Бу ўринда гап иккита — Кастилия элчилиги ва Амир Темур томонидан жўнатилган роҳиб — архиепископ Иоанн элчилиги ҳақида бормоқда.

Генуя ва Венеция сенатининг ҳисоб-китобларида ана шу элчиликларнинг келди-кетдиси ҳақидаги маълумотларни учратиш мумкин.

¹ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома (Форс тилидан А.Аҳмедов ва Ҳ. Бобобековлар таржимаси). — Т.: “Шарқ”, 1997. 198-бет.

² Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. 211-бет.

Мазкур маълумотларда элчиларнинг келиши ва бунга қанча маблағ сарфлангани қайд этилган, чунки бу ўринда гап фақат бухгалтерия ҳисоботи ҳақидагина бормоқда. Сир тутилган сиёсий мактублар бу ҳисоботларда акс этмаган.

Мурод қўмондонлигида, кейинчалик унинг ўғли Боязид қўмондонлигида Усмонли турклар 1396 йилда Никополь остоналарида ўзларига қарши турган насроний давлатлари уюшмасини яқсон этиб, Ғарбий Европани қўлга кирита бошладилар ва Константинополда ўз қароргоҳларига асос солдилар.

Генуяликлар ва венецияликлар (уларнинг бўлинмалари Кавказ, Тана, Сарой ва Астраханда турар эди) Осиё билан савдо- сотиқ қилишар ва Амир Темурнинг зафарларидан хабардор эдилар. Улар Амир Темур 1386 йил кишида Гуржистонни, Арманистонни забт этганидан, 1387 йилда Арзирумга яқинлашиб қолганидан хабардор эдилар. Улар Усмонли султонлигининг қўшниси бўлган Арзинжон ҳукмдори, туркман амири Тахуртан, гарчи у султонликни босиб олишга роса уринган бўлса ҳам, энди Амир Темурга тобелигидан, Соҳибқирон унинг ҳомийси бўлиб қолганлигидан воқиф эдилар.

Шундай қилиб, агар икки улуғ лашкарбошидан бири аҳволни чигаллаштирадиган бўлса, чақмоқдан ўт чиқиб кетиши мумкин эди. Шу боисдан ҳам, генуяликлар ва венецияликлар Амир Темур билан яқинлашиш сиёсатини тутганликларига ажабланмаса ҳам бўлади. Боязид уларнинг ҳаёт-мамотига таҳдид солганида Константинопол императорини унга қарши гижгижладилар.

Айни пайтда Амир Темур 1395-1396 йилларда Олтин Ўрда устидан ғалаба қозонгандан кейин яна Кавказни эгаллаб, Кичик Осиё билан яқинлашди. У Тана, Астрахан ва Саройни эгаллади, Ўрда билан савдо-сотиқ қилиб турган Венеция ва Генуя бўлинмалари ер билан яқсон этилди ва шу тариқа Қора денгиз билан туташиб кетган Буюк Ипак йўлининг бир тармоғи тўсиб қўйилди.

Европаликлар ва Амир Темур жўнатган дипломатик миссияларни Анкара жангидан аввалги, шу жанг вақтидаги, шу жангдан кейинги гуруҳларга бўлиш мумкин¹.

Анкара жангидан аввалги миссиялар ниҳоятда сир тутилар эди, чунки генуяликлар, венецияликлар ва византияликлар Боязиднинг қаҳр-ғазабидан чўчирдилар, айнаи вақтда улар муросаи-мадора сиёсатини, гўёки мутелик сиёсатини юритишар эди, Амир Темурнинг барча буюк юришлари сиру асрор пардасига ўралган эди. Шу билан бирга ҳисоб дафтарларида, айниқса, Генуянинг ҳисоб дафтарларида кўпдан-кўп чопарларнинг келиш-кетиши ҳақида қисқа, лўнда битиклар мавжуд. Жумладан, «Генуя давлатининг архивлари»да келтирилишича, бу битикларни Мишел Балар ўзининг «Генуя Италияси» асарида таҳлил қилган².

1394 ва 1399 йилда Византия императорининг Константинополдаги муовини Амир Темур ҳузурига Франсуа исмли доминикан монахини икки марта элчи қилиб жўнатди. Унга Сандро (уни баъзи манбаларда Сарацинус деб ҳам атайдилар) ҳамроҳ бўлган. Сандро Генуя Подестати билан яқин алоқада бўлган, чунки унинг кўлида Генуянинг ҳомийси бўлган Франция қиролининг Амир Темур номига ёзилган мактуби мавжуд эди. Франсуа ўзининг биринчи сафари чоғида, агар Амир Темур Боязидга қарши уруш очгудай бўлса, Шарқий Ўрта денгиз ёқасида жойлашган Европа давлатлари ёрдам берадилар, деган фикрни Амир Темурга етказди.

Амир Темурнинг жавоби маълум эмас, лекин бу жавоб, албатта, бирор-бир талабга боғлиқ бўлган, чунки Франсуа ўз ҳамроҳи Сандро билан иккинчи бор Амир Темур ҳузурига келганида, Франция қиролининг мактуби билан тасдиқланган Константинопол императорининг мажбуриятларини унга изҳор этди. Бунга кўра, агар Амир Темур Боязидга қарши уруш бошласа, одатда, Боязидга мўлжалланган хирож Амир Темурга берилиши айтилган эди.

¹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. 213-бет.

² Амир Темур жаҳон тарихида. – Т.: Шарқ, 2006. 123-бет.

Константинопол императорининг Амир Темурга ёзган ва Амир Темурнинг Франция қироли Карл VI га ёзган мактубида битилган айрим жумлалар ана шу элчиликлар ҳақида гувоҳлик беради.

Бинобарин, монах Франсуа воситачилигида европаликлар билан Амир Темур ўртасида дўстона мулоқот бошланган.

1400 йил мобайнида Венеция сенати Амир Темур ҳузурига ўзининг икки вакили — Андреа Жистиниани ва Матео Барбадиголарни жўнатди¹.

1401 йил август ойида асли пералик, кейинчалик Генуяда ўтроқ бўлиб қолган кишининг ҳисоб дафтарида ёзилганига қараганда, бу шаҳарга Амир Темур элчиси келган. Мазкур элчи император саройига ташриф буюрган, бу ўша вақтдаёқ император билан Амир Темур ўртасида алоқа ўрнатилган, дейиш учун асос бўлади.

Ана шу икки элчи Пера генуяликларининг усмонлилар билан иттифокдан ва ҳар қандай холисликдан воз кечишини илтимос қилишган. Ушбу илтимос мамнунлик билан қабул қилинди ва элчиларга иккита от тўхфа этилди.

Перадаги ҳисоб дафтарида 1402 йил 18 майидан 21 июнигача бўлган даврда Амир Темур элчиси келиб кетганлиги таъкидланган.

Нусхаси Венеция архивларида сақланадиган бир мактубга қараганда, 1402 йил июнида ёки июль ойи бошларида Амир Темур монах Франсуани Константинополь императорининг муовини ҳузурига жўнатган (император бу вақтда Европага ёрдам сўраб жўнаб кетган эди). Ушбу мактубда Амир Темур монах Франсуани қабул қилганини, монах унга ёққанини ва у Трапезунд императоридан ўзаро иттифок учун йигирмата яхши қуролланган галерларни (ҳарбий кемалар) талаб қилганини ёзади, шундан кейин Амир Темур муовинга Боязид ҳузурига монах Франсуа ҳамроҳлигида элчилар жўнатганини маълум қилади.

¹ Амир Темур жаҳон тарихида. – Т.: Шарқ, 2006. 124-бет.

Элчилар Константинополь ва Пера шу вақтгача Боязидга берадиган хирожни бундан буён Амир Темурга тўлаши лозимлигини айтишлари керак бўлган. Хатда илова қилинганидек, Константинополь муштарак иш учун яна 20 галер тақдим этиши керак, шундан сўнг Амир Темур Боязид билан уруш бошлаш ниятидадир.

Византия императорининг Константинополдаги муовини Иоанн VII эса, ўз навбатида, Амир Темур кучларининг бир қисмини Босфор орқали Европага ўтказиб қўйишга ваъда берди. Бироқ Анқара жангидан сўнг улар ўз ваъдасига амал қилмади. Аммо Константинополь тез орада Амир Темурнинг ҳокимиятини тан олишга мажбур бўлди¹.

Муболағасиз айтиш мумкинки, Анқара яқинидаги жанг бутун ғарб оламининг диққатини жалб қилди, зеро Анқарада Европанинг тақдири ҳал қилинаётган эди. Француз қироли Карл VI нинг, Византия императори Мануил II нинг, Рим Папасининг, Генуянинг, Венециянинг ҳамда Кастилия ва Лионнинг қироли Генрих III нинг элчилари бу урушни кузатиб турган эдилар. Пайо де Сотомайор ва Эрнан Санчес де Паласуелослар испан қиролининг элчилари эди.

Европа давлатларининг Анқарадаги жангга қизиқиши тасодифий эмас эди. Усмонли султонининг Жануби-шарқий Европада эришган қатор ғалабалари ўша пайтларда катта қудратга эга бўлмаган Европа монархлари учун даҳшатли огоҳлантириш эди.

Салибчиларнинг 1396 йилдаги мағлубияти ўша пайтда нафақат алоҳида бир Европа давлати, балки давлатларнинг бирлашган кучлари ҳам Усмонли султонининг қудратига бас келолмаслигини кўрсатди. Шунинг учун, агар Амир Темур бўлмаганида, бутун Европанинг ёки унинг бир қисмининг усмонлилар томонидан босиб олиниши эртами-кечми бўладиган иш эди².

Анқара остонасидаги жангда Кастилия қиролининг элчиси тасодифан ҳозир бўлиб қолган эди. Қирол ўзининг икки кибор (дворян)ини Кичик

¹ Амир Темур жаҳон тарихида. – Т.: Шарқ, 2006. 125-бет.

² Мухаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. – Тошкент: 1994. 201-бет.

Осиёга жўнатар экан, бундан мақсад Боязид ва Темур ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш, уларнинг Европага муносабатини билиб олиш эди. 1402 йил майи ёки июнида шу икки испанни Боязид қабул қилди.

Амир Темур яқинлашиб қолганида бу элчилар Анқара қалъасидаги ҳарамга яшириб қўйилди. Улар жангги ва Амир Темурнинг жангдан кейин қалъага кириб келишини қалъа деворлари устида туриб кузатдилар. Шундай қилиб, улар биринчи бўлиб Соҳибқиронни ғалаба билан қутлаш имконига эга бўлдилар, Амир Темур элчиларни қабул қилди. Улар Соҳибқирон ўз қироллари Генрих III билан дўстона муносабат ўрнатиш тўғрисида мурожаат этдилар.

Элчилар Европага қайтиб кетишарканда Амир Темур улар орқали Боязид ҳарамидан озод этилган, насл-насаби тоза уч нафар ёш қизни ўз номидан Кастилия қиролига совға қилди. Уларга ўз элчиси Муҳаммад ал-Кешийни ҳам қўшиб юборди. Унинг қўлида 1402 йил август санаси қўйилган ва қиролга аталган дўстона хат бор эди. Мактубда Амир Темур Боязид устидан ғалаба қозонганини айтиб, насронийларга меҳр-оқибатли бўлишини баён этган. Мактубнинг нусхасигина сақланган¹.

Анқара жангидан кейин Амир Темур юборган отлик аскарлар, туркларнинг қаршилигини енгиб, иложи борича кўпроқ ўлжани қўлга киритганидан сўнгра жанг тугади. Шундан сўнг Амир Темур билан европаликлар ўртасида элчилар борди-келдиси яна ҳам илдамлашди. Лекин бу учрашувлар тафсилоти бизга маълум эмас.

Амир Темур ўзини ҳамма эътироф этишини талаб қилар ва илгари Боязидга тўлаб келинган хирожни эндиликда ўзига тўлашларига мажбур этмоқчи эди. У Туркияда қолмоқчи эмас, ўз талаби тез орада бажарилишини кутар эди. У ҳар қалай, насронийлар билан бошланган дўстона алоқаларни ривожлантирмоқчи, Европа билан бўладиган савдо-сотиқни кучайтириш ниятида эди.

¹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. 215-бет.

Дарҳақиқат, у эндиликда шу қитъадаги йўлларни назорат этиб турар ва Европа мамлакатлари билан савдо қилишдан манфаатдор эди. Унинг европалик иттифоқчилари, аввало, куч-қудратга тўлган ҳукмдорни ранжитмасликни ўйлашар, Боязид салтанатини синдиргани учун Европа Амир Темурдан миннатдор эканини изҳор этишни исташар ва ваъда қилинган хирожни унга тўлай бошлашга киришмоқчи эканликларини маълум қилишарди. Улар ёши 66 дан ошган Амир Темурни анча қартайиб қолган деб ўйлаб, тахтдан кетиши мумкинлиги учун вақтдан ютиш ҳаёлида эдилар.

Родос рицарлари томонидан муҳофаза қилинаётган Измир қалъасигина, гарчи тантанали буйруқ бўлса-да, дарвозаларини очмади, оқибатда бошига катта кулфат тушди.

1402 йил 2 сентябрь куни Константинопол императори муовинининг икки вакили Подестат Бартоломео Россо ва унинг ёрдамчиси Жано Ломеллино Амир Темурга пешвоз чиқиб, унга бериладиган хирожнинг миқдори ва турлари ҳақида келишиб олмоқчи бўлишди.

1402 йил сентябри бошларида Янги Фосея (грек-турк савдосининг муҳим маркази) шаҳри вакили Мессир Галеаццо Амир Темур ҳузурига келиб, уч кун турди ва 22 сентябрда жўнаб кетди¹.

Ўша вақтда Амир Темур ҳузурига Европадаги бошқа мамлакатлар элчилари ҳам хирож билан келишди. Булар орасида Франсуа Гаттилузио чопари, Лесбос ва Хиос оролида ҳукмронлик қилган генуялик Маоно ҳам бор эди. Худди ўша ойда Амир Темур элчилари Перага келишди, элчиларга совға-саломлар инъом этилди.

1402 йил декабрида эса, Византия императорининг Константинополдаги муовини вакили Колажане Кайрано Амир Темур ҳузурига йўл олди.

Амир Темур 1402 йил ноябрь ва декабрь ойлари оралиғида ўғли Пир Муҳаммадни ва Шайх Нуриддинни рицарлар қалъаси бошлиғи ҳузурига элчи

¹ Амир Темур жаҳон тарихида. – Т.: Шарқ, 2006. 126-бет.

сифатида юборди. Улардан таслим бўлиш ва исломни қабул қилиш талаб этилди. Рицарлардан рад жавоби олганидан кейин, 1402 йил 2 декабрида Амир Темур қалъага бир неча кун ҳужум қилди. Барча рицарлар ҳалок бўлишди. 1403 йил январиди Генуя Подестати Амир Темур ҳузурига йўл олди.

Боязид устидан қўлга киритилган ғалаба катта тарихий аҳамиятга эга. Бу пайтларда Ғарбий Европа, аввало Италия илк Ренессанс даврини ўтаётган эди. Италиянинг шаҳар-давлатлари бўлмиш Венеция ва Генуя эса усмонлиларга душман эди.

Агар Боязид Анқара яқинида ғалабага эришганида, унинг қудрати бир неча баробар ортиб кетарди, чунки у ҳолда бутун ислом давлатлари унинг таъсир доирасига ўтарди. Бу эса, биринчи галда, Венеция ва Италия учун ҳалокат билан баробар эди. Анқара жангидан сўнг Франция ва Англия ёзишмалар орқали Амир Темур билан дипломатик муносабат ўрнатди. Француз қироли Карл VI билан Амир Темур ўртасидаги ёзишмаларнинг бир қисми Франция ҳужжатхонасида сақланган.

Улардан англашилишича, Амир Темур Франция қиролининг таклифларини рад этмаган ва Карл VI нинг Шарққа нисбатан сиёсатини қўллаган. Амир Темурнинг форсча ёзилган ва 1402 йил 1 август санаси қўйилган мактуби аслида Анқара жангидан (1402 йил 20 июль) аввал ёзилган бўлиб, унга сана кейин қўйилганлиги аниқланди. Мактубда Амир Темур ўз давлати билан Франция ўртасида савдо алоқаларини ўрнатиш истагини билдирган.

Амир Темурнинг бизгача сақланиб қолган лотинча таржимадаги иккинчи мактуби ҳам 1402 йил 1 август билан саналанган. Иккала мактубни ҳам Султониянинг католик архиепископи Иоанн III Францияга олиб борган.

Архиепископ Иоанн бошчилигидаги элчиларнинг 1403 йил июнида Парижга ташриф буюрганликлари ҳақидаги хабар «Франклар қилмишларининг даврий битиги»да келтирилган. Элчи Парижга келиши билан ташрифнинг асосий мақсадларини тантанали равишда баён қилди:

1) Амир Темурнинг турк султони устидан ғалабаси ва турк султонининг асир қилинганлиги ҳақида, Боязид томонидан асир олинган насронийларнинг озод этилганлиги ва агар яна бошқа насроний асирлар бўлса, Амир Темурнинг уларни ҳам озод этиш майли борлигини маълум қилиш;

2) Франция салтанати буюклигининг шоҳиди бўлиш истагини ва Амир Темур салтанати ҳашаматини билдириш.

Шундан сўнг элчи Амир Темур насроний давлатларни қизиқтирувчи куйидаги икки таклифни киритишини айтди:

1) икки давлат савдогарларининг эркин савдо муносабатларини таъминлаш;

2) агар қирол герцоглар рози бўлишса, бу савдо эркинлигини тегишли битим орқали кучга киритиш.

Карл VI нинг Амир Темур номига 1403 йил 15 июлда йўллаган биргина мактуби сақланган. Мактуб: «Карл, худонинг марҳамати билан французларнинг қироли, энг шавкатли ва энг ғолиб ҳазрат подшоҳ Темурбекка салом ва тинчлик бўлсин» сўzlари билан бошланади. Сўнгра мактубда Франция билан Амир Темур давлати ўртасида савдо алоқалари ўрнатиш масаласига катта ўрин берилган. Карл VI мактубидан унинг фуқаролари Амир Темур мулкига бемалол бора олганликлари англашилади.

Амир Темур билан Карл VI ўртасидаги ёзишмадан маълум бўлишича, иккала подшоҳ ҳам савдо битими тузишдан манфаатдор (116). Бироқ 1405 йил феврилида Амир Темур вафот этиши бу ишни поёнига етказиш имконини бермади.

Амир Темур ва Мироншоҳ Англия билан дипломатик ёзишмалар олиб боришган. Англия қироли Генрих IV (1399—1413) нинг лотинча ёзилган ва Мироншоҳ билан Амир Темурга йўлланган икки мактуби сақланган. Бир тарафдан, Амир Темур ва Мироншоҳ билан, иккинчи тарафдан, Англия қироли ўртасида яна ўша эслатилган Султония архиепископи Иоанн воситачи бўлган. Архиепископ Иоаннинг дипломатик ташрифи 1399 йил

(Генрих IV тахтга ўтирган йил) билан 1404 йил орасидаги даврни ўз ичига олади¹.

Генрих IV дан келган мактубда Мирзо Мироншоҳ «Мирасса Амирасса» деб аталган. Қирол Мироншоҳнинг католикларга бўлган дўстона ва хайрихоҳлик муносабатлари ва «айниқса диний арбобларга ва франко-католикларга лутфи карам бахш этиб, насроний савдогарларнинг шахсий ва фаолият хавфсизлигини таъминлаганлиги ва баробарига савдо ғаразига хайрихоҳлиги» учун миннатдорчилик изҳор этади.

Мактубда, «буюк подшоҳ католик динининг ҳомийси... бундан кейин ҳам бу қадар тавфиқли ва саодатли ниятлардан воз кечмаслигига» умид билдирилади, ҳамонки «жаноби олийлари ўз хоҳишлари билан ... худонинг шукри учун давлат ишларига тааллуқли баъзи масалалар хусусида ва шу вақтдан бошлаб сулҳ борасида биз билан дўстона битим тузишга ирода этибдилар, жаноби олийлари билишни лозим топсинларким, биз ана шу битимга бизнинг номимиздан мазкур архиепископ имзо чекишини астойдил истаймиз». Англия қироли архиепископ Иоаннга тўла ишонишини билдиради: у инглизларнинг ишларидан яхши хабардор.

Мактуб бундай якунланади: «Бизнинг илтимосимизга кўра ҳам, унинг олий мартабасига кўра ҳам (архиепископнинг) сўзларига тўла ишонишингизни сўраймиз, шунингдек унга бўйсунганларнинг ҳаммасини ва махсус бириктирилган яна неча шахсни ҳам қабул қилишингизни сўраймиз, бизга ҳаммасини аниқ тавсиф этингки, биз ҳам ўз тарафимиздан жанобларининг истакларини бажо келтиргаймиз»².

Мактуб Лондон шимолидаги Хортфордда февраль ойида, аниқланишича, 1402 йилда (мактубда йил кўрсатилмаган) ёзилган.

Генрих IV нинг Амир Темурга мактуби Соҳибқироннинг ҳозиргача сақланган мактубига жавобан ёзилган. У шундай бошланади: «Генрих, худонинг марҳамати билан Англия ва Франция қироли, шунингдек Ирландия

¹ Амир Темур жаҳон тарихида. – Т.: Шарқ, 2006. 127-бет.

² Ўша ерда.

ҳокими, буюк ва қудратли подшоҳ Темурбекка, Тангрини севувчи дўстга, ҳаммасининг халоскорига салом ва тинчлик бўлсин».

Мактубда айтиладики, Амир Темурнинг Англия қиролига мудом дўстлик муносабати (бу ҳақда у архиепископ Иоанндан билади), қирол бунга арзимаса ҳам, Англияда юқори баҳоланади. Амир Темурга бунинг учун миннатдорчилик билдирилади. Қирол Амир Темур фуқаролари билан Генрих фуқаролари ўртасида эркин савдо муносабатларини ўрнатиш ҳақидаги таклифга розилик билдиради. У яна ёзади: «бундан кейин ҳам бизга ва фуқароларимизга мудом хайрихоҳлигингиз билан тасарруфингиздаги мулкингизга борсалар ва сизнинг савдогарларингиз ҳам бизнинг мулкимизга келишса, биз шунинг тарафдоримиз».

Қирол Амир Темурнинг «умумий душман — турк султони Боязид устидан эришган буюк ғалабаси» туфайли «катта енгиллик ва катта хурсандчилик сезгани»ни билдиради.

Мактубда яна айтиладики, мактуб муаллифи «нафақат хайрихоҳлик билан, балки дўстлик» муносабатида бўлган архиепископ Иоанн подшога қиролнинг ушбу мактубини топшириши керак, шунингдек «ишлар ва ҳаракатлар ҳақида унга оғзаки айтиши керак, чунки унга (архиепископ Иоаннга) фикрларимиз батафсил айтилган». Британия қироли унга юкланган, қирол номидан айтиши керак бўлган барча сўзларига тўла ишонишни сўрайди¹.

Мактубдан аён бўладики, архиепископ Иоанн Англияга боришдан аввал Мироншоҳнинг буйруғи билан Францияга бориб келган.

Доминикан ордени монахи Франциск Амир Темурнинг ишончли кишиларида бири бўлган. Унинг номи Амир Темурнинг Византия императори муовинига йўллаган мактубларида ва француз қироли Карл VI, инглиз қироли Генрих IV номларига юборилган икки мактубида эслатилган. Бу монах Амир Темурнинг дипломатик вазифасини бажариш билан бирга

¹ Амир Темур жаҳон тарихида. 128-бет.

унга Ғарб ҳақида маълумотлар келтирган. У ҳақда бошқа маълумотлар сақланмаган.

Европа кироллари билан бўлган ёзишмалардан маълумки, Амир Темурнинг қудратли оламшумул давлатнинг ҳукмдори сифатида обрўси ғарбда жуда юксак бўлган. Европа монархлари уни чуқур эҳтиром билан «энг шавкатли ва энг ғолиб подшо Темурбек», дейдилар.

Амир Темур вафотидан сўнг Темурийлар давлатида Европа давлатларига муносабат ўзгарди. Темурийларнинг бирор Ғарб мамлакати билан дипломатик муносабатда бўлганликлари ҳақида маълумотга эга эмасмиз.

Амир Темурнинг баъзи элчилари ўз вазифаларини адо этиш асносида ўлдирилган. Лекин Амир Темурнинг ўзи доимо элчи дахлсиз эканлигини таъкидлаб келган. Агар элчи ҳатто душман тарафидан келган бўлса ҳам, у доимо уларга сарпо кийдирган.

Амир Темур қарвон йўлларининг хавфсизлиги учун ҳаракат қилиб, доимо ҳам яқин, ҳам узоқ мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатишга интиларди. У улкан ҳудудлар ва кўплаб мамлакатларни бир давлатга бирлаштириб, улар орасида узвий иқтисодий алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилган.

2.2. Асарда Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг ёритилиши

Ҳар қандай жамиятнинг ривожланиш даражасига бериладиган баҳо унинг ижтимоий соҳадаги аҳволига қараб белгиланади. Ижтимоий соҳанинг ривожланиши жамиятнинг иқтисодий қудратига боғлиқ. Давлат қанчалик бой ва қудратли бўлса, аҳолини ижтимоий ҳимояси шунчалик юқори бўлади.

Жамиятнинг иқтисодий-маънавий ва ижтимоий соҳалари ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланади. Иқтисодиёт ва маънавият ажралмас бирликда бўлади. Чунки иқтисодий инқирозга учраган жамиятда маънавият ҳам муқаррар равишда чуқур тушкунликда бўлади ва аксинча, маънавий қашшоқ жамият ҳеч қачон иқтисодий ислохотларни амалга ошира олмайди. Ривожланишнинг

хар иккала яъни иқтисодий ва маънавий аспектлари энг асосий мақсадга аҳолининг ижтимоий ҳимоясига, унинг ҳаётини фаровон қилишга хизмат қилиши керак.

Амир Темур даври тарихга марказлашган давлат тузиш ҳамда уни харбий ва иқтисодий ривожланган йирик давлатга айлантириш даври бўлиб кирди. Бу давр халқаро майдонга чиқиш, ўзаро манфаатли савдо-сотиқ ва иқтисодий алоқаларини ривожланиш даври бўлиб, савдо-сотиқ ва иқтисодий алоқалар давлат томонидан рағбатлантирилган ва ҳимоя қилинган. Бу давр жаҳон тарихида фан, маданият ва санъат гуллаб-яшнаган давр бўлиб ҳисобланади. Бу даврдаги иқтисодий ва маънавий ривожланиш сўзсиз ижтимоий соҳани ривожланишини ҳам таъминлади.

Амир Темур даврининг ижтимоий тарихи нисбатан камроқ ўрганилган бўлса-да, лекин бу давр тўғрисида қизиқарли маълумот берувчи ёзма ва бошқа объектив манбалар етарли даражада сақланган. Таниқли шарқшунос олим В.В.Бартольд бу тўғрисида гапириб, биз бу даврни ўрганиб туриб, манбаларни камлиги тўғрисида эмас, балки уларнинг кўплиги тўғрисида, ҳатто тадқиқотчи бу турли хил материаллар ичида фарқ бўлиб кетмаслиги тўғрисида гапиришимиз мумкин, деган эди.

Лекин афсуслар бўлсинки, Ўрта Осиё халқларининг бу муҳим босқичи ўзоқ йиллар мобайнида совет фани томонидан бузиб ўрганилган, чунки коммунистик раҳбарият ва унинг мафкураси бу тарихни объектив ўрганишга йўл қўймаган эди.

Амир Темурнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида доир материаллар ўша даврнинг ёзма манбалари, элчиларнинг маълумотлари, Темурнинг Европа ҳукмдорларига ёзган хатлари ва бошқалардан олиш мумкин. Жумладан, Клавихонинг “Кундалик”ларида ҳам бу ҳақида етарлича маълумотлар учрайди. Бу манба Амир Темур давлатининг умумий ҳолатини ёритишга оид бўлса ҳам, унда ижтимоий сиёсатни моҳиятини билвосита материаллар асосида ёритувчи қизиқарли маълумотлар бор.

Клавихога кўра ҳам, Амир Темур ички ва ташқи сиёсатининг асосини конунга риоя қилиш, халқни аҳволини билиш, мазлум халқларни зулмдорлардан озод қилиш ташкил қилган. У халқни аҳволидан воситачилар орқали эмас, балким бевосита, тўғридан-тўғри хабардор бўлган. У тарих сахнасига чиқаётган вақти мамлакат чиғатой усулига қарашли тарқок ҳудудлардан иборат эди. Уларга ўзаро душманчилик муносабатида бўлган кўчманчи мўғул уруғлари бошчилик қилишган. Шунинг учун ҳам чиғатой аслзодалари ўртасида иккита қарама-қарши йўналиш пайдо бўлади. Улар ўртасидаги кураш XIII асрнинг 60-йилларидаёқ бошланган эди. Биринчи йўналиш вакиллари марказлашган давлат тузиш, маҳаллий зодагонлар билан яқинлашиш, ҳокимиятдаги ўзбошимчаликни чеклаш, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш, ислом ва маҳаллий маданиятга ҳомийлик қилишни зарур деб ҳисоблашган. Иккинчи йўналишдагилар ўзини кўчманчи уруғ анъаналарига содиқ қолиш, ўтроқ ҳаётга ва маҳаллий аҳолига душманларча муносабатда бўлиш, маҳаллий аҳолини талон-тарож объекти сифатида кўриш тарафдори бўлишган.

Бу икки йўналиш ўртасидаги ўзаро урушлар кўплаб шаҳарларни вайрон бўлишига, ирригация тармоқларини бузилишига, хунарманд ва савдогарларнинг қашшоқлашувига, аҳолининг оммавий камбағаллашувига олиб келди.

Темур ҳокимиятга келган вақтдан бошлаб, Самарқанд, сўнгра Кеш атрофида қалъалар қуриб шаҳарни мустаҳкамлай бошлайди. Мамлакатни кучли ҳарбий ҳокимият билан бирлаштирилиши аҳолини кўчманчилардан ҳимоя қилган, иқтисодиётни барқарорлашувига ёрдам берган. Мамлакатда осойишталикни ўрнатилиши ва барқарорлашувини ўзи нафақат сиёсий тадбир, балким, у ижтимоий тадбир ҳам эди. Бу тадбир иқтисодиётни ривожлантиришга ёрдам беради.

Бу даврда суғориш, сув иншоотларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилади. Археологик изланишлар шундан далолат берадики бу даврда фақат текис ерлар эмас, балки тоғ олди ерлари ҳам ўзлаштирила бошланган.

Эски каналлар тикланиб янги каналлар, сув омборлари ва сув чиқариш иншоотлари қурила бошланган¹.

Амир Темур Мовароуннаҳр аҳолисини уч йилга солиқлардан озод қилди, натижада аҳолининг турмуш даражаси кўтарила бошлади, ишлаб чиқариш кенгая бошлади. Кейинги йилларда ҳам қишлоқ хўжалигида янги ерларни ўзлаштирганлар, суғориш каналларини қурганлар бир неча йилларга солиқлардан озод қилинадилар. Урушлар натижасида қўлга киритилган бойликлар ҳам иқтисодиётни кўтаришга ишлатилади.

Ҳунармандчиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилади. Темур турли мамлакатлардан ҳунармандларни, қурувчиларни, қурулсозларни ўз мамлакатига олиб кела бошлайди. Мовароуннаҳр шаҳарларида тинчлик, осойишталик бўлганлиги сабабли аҳоли кўпая бошлайди.

Буларнинг ҳаммаси мамлакат иқтисодиётини гуллаб-яшнашига ёрдам беради. Қулолчилик ва шишасозлик, металлургия ва метални қайта ишлаш, қурул-аслаҳа тайёрлаш, мудофаа яроғ-аслаҳалари, от абзали ва бошқа ўша давр армиясининг эҳтиёжи бўлган буюмларни ишлаб чиқариш ривожланган.

Клавихо маълумотларига кўра, Амир Темур усталарни айниқса, қурулсоз усталарни алоҳида синф ёки махсус табақа сифатида ўз саройига тақлиф қилар эди. Айни пайтда заргарлик ҳунармандчилиги ҳам тараққий этади. Олтиндан, қумушдан, ва бронзадан нақш тушурилган идишлар, бадий тасвир билан безалган қуруллар ва камарлар ишлаб чиқариш айниқса, ривожланган. Шу билан биргаликда қурилиш ҳунармандчилиги ҳам ривожланади. Айниқса, монументал ёдгорликлар, мачит ва мақбаралар, саройлар, мадрасалар ва хонақолар, юқори табақа ва шаҳар аҳолисининг уйлари, шаҳар ва шаҳар ташқарисида боғларни барпо қилишга катта эътибор берилган. Ҳашаматли бинолар, боғлар лойиҳасини тузган меъморлар, наққошларни Клавихо ўз васарида мароқ билан тасвирлаган.

Маълумотларга кўра, бу даврда шойи, жун ва пахта матолари, парча, зардўзлик буюмлари, теридан турли хил буюмлар ишлаб чиқариш юқори

¹ Ирригация Узбекистана в 4-х томах Т.1. Тошкент. Фан, 1975. С.143-149.

даражага кутарилган. Теридан кийим-кечак ва одам танасини жанг пайтида химоя қиладиган совутдан тортиб, то бадийлаштирилган қўлёзмалар ҳам ишлаб чиқилган.

Амир Темур карвон йўллари, карвонсаройлар ва работлар куриш, карвонлар хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қилган. Унинг асосий мақсади Шарқ ва ғарб мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли савдо алоқаларини ривожлантириш бўлган. Буни савдо алоқаларини ўрнатиш учун махсус элчиларни келишидан, Темурнинг Европа давлатлари, жумладан Испания ва Франция қиролларига йўллаган мактубларидан ҳам билиш мумкин. У турли давлатлардан келган ва турли соҳаларга доир саёҳатчиларни қўллаб-қувватлаган, уларга ёрдам қўлини чўзган ва бошқа давлатларга савдо карвонларини жўнатган. Бундан фақат иқтисодий мақсадлар эмас, балким, уларнинг урф-одатларини, халқни аҳволини, ҳукмдорларнинг ўз фуқароларига муносабатини ва қонун қоидаларини ўрганиш мақсади ҳам бўлган.

Клавихо ўз кундалигида Амир Темур давридаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, шаҳарлардаги ҳунармандчилик, шаҳар ичи ва атроф-ҳудудларидаги аҳолининг ҳаёт тарзи, Амир Темурнинг жамиятнинг турли табақаларига муносабати, ва уларнинг моддий ва маънавий фаровонлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсати ҳақида батафсил маълумотларни ёзиб қолдирган. Умуман, Клавихо ҳолис, беғараз тарихчи сифатида XIV асрда Мовароуннаҳрда содир бўлган сиёсий, ижтимоий ўзгаришларни объектив равишда ёзиб қолдирган.

Клавиходан бирмунча аввал Мовароуннаҳрда бўлган бошқа бир ажнабий сайёҳ Ибн Баттута XIV асрнинг 1-чорагида Мовароуннаҳрдан ўтиб кетаётиб, бу ерда кўрганларини шундай ёзиб қолдирган: узоқдан кўм-кўк дарахтзорлар шаҳар ва бинолар кўрингандай, яқинроқ борилса, вайронагарлик, харобалик кўриниб турибди, чунки ҳамма кўчманчиликка ўтган ва ҳеч ким ерларни ишламаган. Шаҳарлар мудофаа деворларсиз худди

канотсиз кушдай ва шаҳарларнинг олдинги шон-шуҳрати сув қумга сингиб кетгандай йўқ бўлиб қолган эди.

Кастилиялик Рюи Гонзалес де Клавихо XV асрнинг бошида элчи сифатида келиб бу ерда умуман бошқача манзарани кўрганликни ёзиб қолдирган. У Зарафшон дарёси қирғоқларида, Самарқанд шаҳрининг муҳофаа деворларининг атрофида хашаматли биноларни, шаҳар ва қишлоқларни, хунармандчилик устахоналарини, савдо расталари, умуман байрамона манзарани тасвирлаган. «Бутун шаҳар боғлар ва узумзорлар билан ўралган, улар баъзи жойларда бир ярим, баъзи жойларда икки чакирим узунликда. Шаҳар эса уларни ўртасида жойлашган. Боғ ва узумзорлар шунчалик кўпки, унга яқинлаша борган сари баланд дарахтли бутун бир ўрмонга ўхшайди, уни ўртасида эса шаҳар жойлашган¹.

Шаҳар ва боғлар ўртасида кўплаб суғориш каналлари қурилган. Бу боғларда кўплаб қовунлар ва пахта етиштирилади. Бу ерни нони мўл-кўл бўлганидек виноси ва гўшти ҳам, мева ва паррандалари ҳам сероб... Бу шаҳар шунчалик тўкин-сочин ва бойки, ҳайратланасин киши. Бу ерни бойлиги фақат озиқ-овқат маҳсулотлари билан эмас, балким шойи газламалари билан, жун ва шойи кийим-кечаклари билан, упа-эликлари билан, олтин ва лазурит (кўм-кўк) ранглар билан ҳам бойдир²».

Булардан ташқари у турли мамлакатлардан келтирилган таниқли усталар, дунёни ҳамма давлатларидан олиб келинаётган маҳсулотлар тўғрисида ҳам батафсил хабар беради³.

Темур тантанали баёрам уюштирганда, шаҳарни савдогар ва хунармандлари савдо-сотиқ учун тўпланишарди – «шаҳарда мавжуд бўлган ҳамма хунармандлар: мато ва марварид сотувчилар саррофлар (пул майдалайдиган), турли хил нарсаларни сотувчилар, ошпазлар, қассоблар,

¹ Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403 – 1406 йиллар). 153-154-бетлар.

² Ўша асар. 155-156-бетлар.

³ Ўша асар. 139-140-бетлар.

нонвойлар, кийим тикувчилар, этикдузлар ва ҳамма хунармандлар ўз чодирларини қуйиб махсулотларини сотар эдилар¹.

2.3. “Кундалик”да Амир Темурнинг Мовароуннаҳрдаги бунёдкорлик ишлари талқини

Буюк салтанат асосчиси Амир Темур нафакат моҳир саркарда балки йирик бунёдкор шахс сифатида ҳам тарих зарварақларидан муносиб ўрин эгаллаган. Бунга рўйи замин сайқали аталмиш Самарқандда ва Амир Темур томонидан қўлга киритилган жойларда амалга оширилган қурилиш ва ободончилик мисол бўла олади. Самарқанд мўғуллар истилосидан 150 йилдан сўнг Амир Темур томонидан қайта бунёд этилиб, дунёнинг йирик иқтисодий, маданий марказларидан бирига айланди. Бунда Темур ва унинг ворислари даврида қурилган йирик суғориш иншоотлари канал ва ариқлар, сув омборларининг ўрни бекиёс. Амир Темур “кимки бирон саҳрони обод қилса, ёки кориз курса, ё бирон боғ кўқартирса, ёхуд бирон хароб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, учинчи йили (эса олиқ-солиқ) қонун қоидага мувофиқ хирож йиғилсин”², деб кўрсатма берганидан ҳам унинг ободонлаштиришга қай даражада эътибор қаратганлигига гувоҳ бўламиз.

Амир Темур даврига келиб мўғуллар босқини туфайли вайрон бўлган кўплаб суғориш иншоотлари қайта тикланиши ҳамда хўжалик соҳасида амалга оширилган оқилона ислохотлар натижасида пойтахт Самарқандда ва бутун мамлакат миқёсида бошқа соҳаларда бўлгани каби боғдорчилик маданияти ҳам ниҳоятда ривожланган. Темур раҳнамолигида пойтахт атрофида ҳозирга қадар тилларда дoston бўлиб келаётган бир-биридан чиройли Боғи Нақши жаҳон, Боғи Беҳишт, Боғи амирзода Шохрух, Боғи Дилкушо, Боғи Шамол, Боғи Давлатобод, Боғи Бўлди, Боғи майдон, Боғи Баланд, Боғи Чинор, Боғи жаҳоннамо, Боғи Нав номлари билан машҳур 12 та

¹ Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403 – 1406 йиллар). 120-бет.

² Қаранг: Амир Темур ўғитлари. – Т.: “Наврўз”, 1992. 37-бет.

чорбоғ қурилган. Боғларни барпо этишда танланган ерни баҳаволигига, баланд-пастлигига, сув манбаини оз-кўплигига ва табиатнинг хусусиятларига алоҳида эътибор беришган.

Амир Темур даврида Самарқанд шаҳри ўзининг қадимги ўрни Афросиёбдан бирмунча жануброқда бутунлай янгидан бунёд этилиб, унинг теvaraги мустаҳкам қалъа девори билан ўралади ва шаҳар деворларига 6 та мухташам дарвоза ўрнатилади.

Мовароуннахрнинг деҳқончилик сарҳадларида, жумладан, Зарафшон водийсида ўнлаб суғориш тармоқлари чиқарилиб, деҳқончилик учун қулай бўлган ҳосилдор ерлар кенгайтирилди. Янги қишлоқлар барпо этилди. Бу қишлоқларни Шарқнинг машҳур шаҳарлари: Дамашқ, Миср, Боғдод, Султония ва Шероз номлари билан атади. Хуллас, Амир Темурнинг фикрича, Самарқанд катталиги, гўзаллиги ҳамда теvarак-атрофнинг обод этилганлиги жиҳатидан дунёдаги энг йирик ва машҳурлардан бўлиши, ер юзининг сайқалига айланиши лозим эди ва бунга эришилди. Амир Темур Буюк Ипак йўлини назорат ва обод қилиш, хавфсизлигини таъминлаш, работлар, карвонсаройлар, қалъалар, кўприклар қуриш борасида муҳим чоратадбирларни кўрди ва Шарқ билан Ғарб мамлакатлари ўртасида савдо-сотик ва элчилик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантиришга ғоят катта эътибор берди, мамлакат сарҳадларида, жойларда учраб турадиган ва майда ҳукмдорлар ўртасидаги тарқоқлик, бошбошдоқликларга барҳам бериб, нафақат Мовароуннахр, балки Узоқ ва Яқин Шарқ мамлакатларининг иқтисодий ва маданий тараққиётига, давлатлараро алоқаларни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди. Кўпгина мамлакатлар билан савдо ва дипломатик алоқалар ўрнатди.

Амир Темур шу мақсадда бутун Мовароуннахрни ягона, марказлашган мамлакатга айлантиришга киришади. Амир Темур ўз «Тузуқлари»да: Салтанатим ишларини қонун-қоида ва интизомга солиб, салтанатим мартабасига зебу-зийнат бердим», «...Ҳамиша мамлакат тўқинчилиги ва ободончилиги учун ҳаракат қилдим...», «Мухандислар билан иттифоқда олий

иморатлар барпо этиб, боғи бустонларнинг лойиха-тарҳини чиздирдим», - деб асосий истак-ниятлари ва мақсадларини амалга ошириб йирик ўзбек миллий давлатчилигини ташкил этибгина қолмасдан, балки уни шарқона ораста, гўзал услубда безашга ҳам муваффақ бўлади.

Амир Темур ўтказган машваратларида мамлакат ободончилиги, орасталиги ҳақида мутасадди кишилар ҳисоботини эшитиб, ўз фикр мулоҳазаларини бериб турган. Қурилаётган жамоат бинолари, шаҳару-сарҳадлар, кўпригу-йўллар, каналларни ва бошқа қурилишларни ўзи бориб кўрган. Уларнинг ораста, шарқона услубга мувофиқлигини текшириб, қимматли фикр-мулоҳазаларини берган, ўзига ёқмаганларини эса бошқатдан қурдирган.

Бу ҳақда Кастилия (Испания) элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг асарида ажойиб ҳикоя ва қимматли маълумотлар мавжуд бўлиб, унинг мазмуни қўйидагича: Унинг ёзишича, Самарқанд шаҳри Амир Темургача хароба холида бўлган. Унинг даврида бу шаҳар шарқона безатилади, кўркамлашади, гўзаллашади. «Бу ишни подшоҳ ўзининг икки мирзосига топширди. Подшоҳ кўрсатиб берган ердан кўча-раста қуришга киришилди. Раста ўтадиган ерларда учрайдиган уй-жойлар, улар қимники эканлигидан қатъий назар бузила бошланди. Бир гуруҳ кишилар бузиш ишлари, бошқа гуруҳ одамлар эса янги бинолар қурилиши билан машғул бўлдилар. Усталар куну-тун ишлаб, қурилишни тезлатиб юбордилар. Кўчани жуда кенг (ораста) қилиб олдилар. Кўчанинг ҳар ер, ҳар ерида ҳовузлар қовланган бўлиб уларга сувлар тўлдирилиб қўйилганди ва узлуксиз янгиланарди. Бу ишга қўлида ҳунари бор ишбилармонлар танланар эди. Кундуз куни ишлаганлар кетиши ҳамон кечаси ишловчилар келардилар. Улар кечаю-кундуз шавқин-сурон билан ишлар эдилар. Натижада кишини ҳайратга соладиган ишлар қилинди, Самарқанд гўзал, ораста шаҳарга айланмоқда,— деб ёзиб қолдирган Клавихо.¹

¹ Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403 – 1406 йиллар). 165-166-бетлар.

Албатта Испания элчиси Клавихо бу воқеаларни ўз кўзи билан кўриб, хаммаси ҳақиқий гувоҳ бўлган, бўрттириб кўрсатишдан холи бўлган хорижлик кишидир.

Амир Темури даврида Самарқанднинг қиёфаси тамоман ўзгартирилиб юборилади. Самарқанддаги ҳамма қурилишларга Соҳибқироннинг яқин сафдоши ва қобилиятли саркарда Оқ Буко (Оқ Буғо ҳам дейилади) бошчилик қилади. 1371 йилдаёқ Шарқда энг гўзал, ораста олти Оҳанин, Шайхзода, Чорсу, Қоризгоҳ, Сўзангарон ва Феруза номли дарвозалар қурилади ва улар мустаҳкам қалъа девори билан ўраб олинади. Шу йили Самарқандда энг гўзал бино ҳисобланган давлат маҳкамаси - Арки Олий қурилади. Унинг ичида Амир Темурнинг қароргоҳи, тўрт қаватли Кўксарой ва Бўстонсаройлар қурилиб, улар орасталикда табиат билан жилва талашган кошинкор, нақшинкор ва гулдорпарчинлар билан безатилган эди. Осмонўпар, бағоят гўзал миноралар, ғаройиб устунлар, чиройли ва ораста, пештоқли гумбазларга эга бўлган шаҳар Жомеъ масжиди, Сароймулкхоним мадрасалари, машҳур шайх Бурхониддин Соғаржий хилхонаси, Руҳобод мақбараси, Шоҳизинда мажмуасидаги мақбаралар таъмирланади. Ораста, кўркам бу бинолар ва унинг атрофлари, кўчалари хориждан келган меҳмонларни ўз гўзаллиги, кўркамлиги, тоза ва озодалиги, орасталиги билан ром этиб, ҳайратда қолдирган. Шаҳар аҳли эса ана шу орасталикни кўз қорачиғидай эъзозлаган.

Амир Темури даврида нафақат кўркам ва муҳташам бинолар қурилишига, балки хунармандчиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилган. Хунармандчилик соҳасида бинокорликдан ташқари тўқимачилик, қоғоз, бўёқ ишлаб чиқариш, кулолчилик, заргарлик, чиланганлик (металл буюмлар ясаш), темирчилик, ранг-бўёқ ишлаб чиқариш, кенг ривожланган. Бу даврда шаҳар, қишлоқ аҳолиси, дашт-сахрода яшовчи аҳоли (кўпроқ кўчманчи) чорвачилик ва деҳқончилик турлари билан шуғулланган. Товар алмашиш мақсадида кўркам, тоза, озода, савдо-сотик бозорлари қурилган харидорлар ва сотувчилар ўртасида ўзаро ҳурмат бўлган.

Бозор муносабатларини кўрган хорижлик меҳмонлар уларга ҳавас билан карашган. Нарх-наво, тош-тарозида ҳиёнат бўлмаган. Самарқанд бозоридаги бу тўғрилиқ ва орасталиқ кўшни шаҳарлар, қишлоқлар ҳатто хорижий мамлакатларга ҳам ижобий таъсир этган.

Шу билан бирга Моварауннаҳр ва Хуросон шаҳарларида Соҳибқирон ва ундан кейин темурийлар даврида янгича усул, Шарқона нафосат, рухий орасталиқ тафаккури вужудга келиб, бу орасталиқ рассомлик, наққошлиқ, маиший буюмларда, тенги йўқ ҳашаматли, салоҳиятли ранг-баранг безакли биноларда ўз аксини топади.

Амир Темур нафақат Самарқандни, балки бутун Моварауннаҳр, Хуросонни, темурийлар давлати тасарруфида бўлган, кейинчалиқ мамлакатга кўшиб олинган ҳамма ҳудудларни режа асосида ораста, кўркам, хушманзара масканларга айлантиради. Зарафшон, Сирдарё, Амударёларда кўприклар қуради. Самарқанд, Тошкент атрофларида Сирдарёдан Оҳангаронгача бўлган ҳудудни хушманзара жойга айлантиради, каналлар қаздириб сув чиқаради. Бухоро, Фарғона, Шаҳрисабз, Туркистон ва бошқа шаҳарларда карвонсаройлар, чўлларда сардобалар, шаҳарларда ҳаммомлар, мадрасалар қуриш ишлари ҳам кенг кўламда олиб берилади. Жумладан, унинг амри фармони билан Хуросон ва Озарбайжонда, Кавказу-Эронда, ҳозирги Туркманистон, Афғонистон ва бошқа ҳудудларда қанчадан-қанча шаҳарлар, қалъалар қайта тикланди, кўприклар қурилади, каналлар қазилади. Мўғуллар хужуми оқибатида вайрон бўлган Банокат шаҳри Шохрухия номи билан 1392 йилда қайта қурилади. Амир Темурнинг фармони билан Хуросон бўйсундирилгач, 1381 йили Мурғоб дарёсидан чиқарилган каналлар орқали Марв воҳаси обод бўлади. Кавказда 1403 йилда Байлакон шаҳри қад кўтаради, шаҳар мавзеида, яъни Байлакон воҳасига Аракс дарёсидан узунлиги 70 км.гача чўзилган, эни 10 метрли, чуқурлиги 4 метрга тенг Барлос номли канал қаздириб, сув чиқаради. Шу тариқа бу мавзе гўзал, ораста водийга айланади.

Соҳибқирон фармони билан таниқли саркардалар, давлат маъмурияти раҳбарларининг ҳар бири алоҳида-алоҳида режа асосида атрофлари гўзал, ораста, боғу-чорбоғлар, атрофи гулзору-майсалар билан безатилган каналлар каздириб сув чиқаришга, чўлу-сахроларни обод, ораста воҳага айлантиришга бошчилик қилган. Бу хабарлар тарихий ҳақиқат бўлиб Амир Темур бутун мамлакатни географик жиҳатдан тамоман ўзгартирилган, ободонлаштирилган, обод, ораста юртга айлантириш учун нафақат ўзини, бутун давлат арбобларини, саркардаларни, таниқли амирларни, маъмурий раҳбарларни, балки бутун аҳли-жамоани жалб қилади.

Шубҳасизки, Соҳибқирон бошлаб берган бундай бунёдкорлик ишлари анъанага айланади ва кейинги даврларда Амир Темур ворислари, нуфузли давлат арбоблари, амирлар томонидан давом эттирилади.

Амир Темур 1401 йилнинг 8 сентябрида Кастилия кироли элчиси Руи Гонсалес де Клавихони Самарқанд шаҳри яқинида ўзи барпо эттирган Боғи Дилкушода қабул қилган. Клавихо боғдаги фавворадан отилиб турган сувнинг тепадаги олтиндан ясалган олмаларга урилиб сочилишини кўриб, бу гўзал манзарадан бекиёс ҳайратга тушганини ёзади. Кейинчалик боғ ўрни Хончорбоғ деб аталган.

Клавихо ўз кундаликларида Амир Темур томонидан Самарқанд атрофида барпо эттирилган кўплаб боғлар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар бериб ўтган. Жумладан, у Самарқанд шаҳри жанубидаги Боғи Нав ҳақида алоҳида тўхталиб ўтади. Бу боғ Самарқанд жанубидаги Лолазор қишлоғи яқинида 1404 йили барпо этилган. Боғ Амир Темурнинг барча оромгоҳлари каби тўртбурчак шаклида бўлиб, баланд девор билан ўралган. Боғнинг ҳар бурчагида миноралар тикланган, ўртасида гумбазнамо қаср қурилган, унинг олдида катта ҳовуз ҳам бўлган. Қаср хоналари қимматбаҳо буюмлар билан безатилган. Клавихонинг ёзишича, Боғи Нав билан Боғи Дилкушо ҳар томони бир ярим минг газ, яъни томонлари мингга минг метрлик кўринишда бўлган. Клавихо ўз саёҳатномасида Боғи Нав ҳақида қуйидаиларни ёзади: «Бу бино биз аввал кўрган биноларга қараганда анча катта бўлиб, олтин ва

ложувард билан зийнатланган. Бу боғ ва саройлар шаҳардан ташқарида бўлиб, мазкур боғ Боғи Нав деб аталади»¹.

Клавихо асарида таъриф берилган яна бир боғ Боғи Жаҳоннамо бўлиб, бу боғ Самарқанд жанубидаги Тахти Қорача довонига яқин, шаҳардан 24-25 чақирим узоқдаги Қоратепа қишлоғида бино қилинган. Боғнинг ёнида катта қалъа ҳам бўлган. Боғ ва қалъа Амир Темурнинг ҳарбий юришлари арафасида ва жангдан қайтишида ҳордиқ оладиган маскани ҳисобланган. Айрим тадқиқотчиларнинг ёзишича, Соҳибқирон барпо қилган боғлардан ёлғиз Боғи Жаҳоннамогина янгидан яратилгандир. Қолганлари эса асосан мавжуд боғлар ўрнида таъмир ва кенгайтириш йўсинида бунёд этилган. Боғдаги сарой 1398 йилнинг баҳорида қурилган, деб маълумот беради Али Яздий. Муаррихларнинг гувоҳлигига кўра, боғ шу қадар улкан эканки, у ерда бир от йўқолиб қолиб олти ойдан кейин топилибди².

Боғи Давлатобод Самарқанд жанубида, Термиз йўлининг ёқасида, Боғи Дилкушо билан Боғи Жаҳоннамо оралиғида барпо этилган боғ. Темурийлар даврига оид вақф ҳужжатларига кўра, боғ Дарғом ариғи яқинида бўлган. Ҳарбий юришлардан қайтган Амир Темур шу боғда тантанали маросимлар ўтказган, элчиларни қабул қилган. Шарафиддин Али Яздий Амир Темур 1399 йили Ҳиндистон юришидан қайтаётиб, Боғи Жаҳоннамода ором олгандан сўнг, Давлатобод боғидан ўтиб Боғи Дилкушога келганини ҳикоя қилади. Али Яздийнинг ёзишича, боғдаги сарой баланд тепалик устида қурилган бўлиб, шимол тарафидан Дарғом ариғи ҳамда Самарқанднинг гўзал манзаралари, жануб тарафидан эса Қоратепа тоғлари кўриниб турган. Шарқ тарафидан қишлоқлар, ғарб томонидан эса бепоён далалар ўраб турган. Клавихо эса боғни шундай таърифлайди: «атрофи пахса девор билан ўралган бўлиб, девор айланаси тўла бир лигача келар эди. Боғда пўртаҳол (апельсин) ва лиму (лимон) дан тортиб ҳар хил мевали дарахтлар бор эди. Боғда олтита ҳовуз бўлишига қарамай, боғни кесиб ўтган анҳор оқиб туради.

¹ Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403 – 1406 йиллар). 125-бет.

² Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома (Форс тилидан Ашраф Аҳмедов таржимаси). – Т.: “Шарқ”, 1997. 234-бет.

Ҳовузларнинг биридан иккинчисига баланд ва катта сояли дарахтлардан бамисоли йўл солинган. Бу яшил йўллар ўртасида баландликка томон кўтарилган худди шундай сўқмоқлар бутун боғ бўйлаб ўтган. Бу йўлдан яна қиялаб бошқа йўллар ўтказилган. Ундан яна бошқалари тармоқланиб кетган. Хуллас бу йўллардан юриб, бутун боғни томоша қилиш мумкин эди. Боғда атрофи ёғоч устунлар билан ўралган усти текис тепалик барпо этилган. Тепалик устида ажойиб сарой қад кўтарган. Сарой олтин, ложувард ва ялтироқ кошнлар билан тўқис зийнатланган, мазкур тепалик сувга тўла хандақ билан ўралган. Хандакка доимий равишда катта сув оқими тушиб туради. Тепалик устидаги саройнинг икки қарама-қарши томонидан унга кириладиган иккита кўприк қурилган. Ҳар бир кўприкнинг олдида дарвоза бор, ундан кейин тепалик устига кўтариладиган зинапоя. Хуллас, мазкур сарой мустаҳкам қўрғон эди. Боғда шоҳ (Амир Темури) топшириғи билан эркин қўйиб юборилган кийиклар ва тустовуқлар, товуслар ҳам мавжуд. Боғдаги катта узумзорга чиқадиган алоҳида дарвоза ҳам бор. Боғ каби катта ва кенг узумзор атрофидаги тепалик бўйлаб ўстирилган баланд дарахтлар жуда чиройли кўринади. Мазкур боғ ва сарой Давлатобод деб аталади»¹.

Самарқанд боғлари икки хил усулда, яъни геометрик шаклда ташкил топган тартибли (инсон ўзи истаган тўртбурчак, тўғри тўртбурчак каби шаклларда яратилган чорбоғлар) ва табиат манзаралари асосида ташкил топган (табиий манзарага баъзи бир тузатишлар киритилган ҳолда яратилган) боғлардан иборат бўлган². Амир Темури боғларида бир қанча саройлар, элчилар ва нуфузли меҳмонлар учун қабулхоналар жойлашган бўлиб, уларнинг атрофида доимий оқиб турадиган ариқ ва каналлар, бир қанча ҳовуз ҳамда фавворалар ўрин олган. Ҳовузлар четида қатор экилган мажнунтоллар боғларга ўзгача кўрк бағишлаган. Самарқандга келган испан элчиси Клавихо Боғи Дилкушо ҳақида қуйидагиларни ёзган: “...подшо махсус қўйилган

¹ Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темури саройига саёҳат кундалиғи (1403 – 1406 йиллар). 118-119-бетлар.

² Алимов Ў. Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда боғдорчилик ҳўжалиғи тарихи. – Т.: 1984. 91-95-бетлар.

баланд ўриндикда ўлтирар ва унинг олдида суви тепага отилиб турган фаввора бўлиб, фантанда қизил олмалар қалқиб турарди”¹.

Самарқанд боғларида турли минтақалардан келтирилган ҳар хил турдаги гуллар, доривор ўсимликлар ва кўкатлар учун алоҳида махсус жойлар ажратилган. Бундан ташқари, боғларга хусн бахш этиб турган манзарали дарахтлардан ташқари, мевали дарахтлар парвариш қилинганлиги ҳақида тарихий манбаларда қайд этилган.

Боғларда сайр қилиб юрган оҳулар, тустовуқлар ҳовуз сувларида сузиб юрган ўрдак ва ғозлар, балиқлар боғнинг кўркига кўрк қўшган. Улар ов қилиш учун эмас, балки, безак сифатида сақланган. Ҳатто Боғи Бихештда ҳайвонот боғи бўлганлиги тўғрисида маълумотлар бор². Самарқандда боғдорчиликнинг ниҳоят даражада ривож топишининг сабаби шуки, тарихчи Ибн Арабшоҳнинг таъкидлашича, соҳибқироннинг ўзи ҳам пайванд солиш ва кўчат ўтқазишга ниҳоятда қизиққан бунёдкор шахс бўлган.

Ёзма манбаларда қайд этилишича, Амир Темур даврида фақат Самарқанд шаҳарлари ёки Мовароуннаҳрнинг азалий ҳудудида эмас, балки мамлакатга кейин қўшиб олинган ҳудудларда, масалан, Хуросон ва Озарбайжонда ҳам бир қанча шаҳарлар ва қалъалар қайта тикланди. Жумладан, мўғуллар босқини оқибатида тамом вайрон бўлган Сирдарё соҳилидаги қадимги Банокат 1392 йилда қайта қурилади ва теvarак-атроф аҳолиси кўчирилиб, унга жойлаштирилади. Дарё бўйида қайта қад кўтарган бу янги шаҳар-қалъа Соҳибқироннинг кенжа ўғли номи билан Шохруҳия деб аталади.

Шубҳасиз, Темур бошлаб берган бунёдкорлик анъанага айланиб, бундай ишлар ворислари томонидан давом эттирилади. Темурий шаҳзодалардан тортиб нуфузли амирлару вазирлар, вилоят ва улус ҳокимлари ўз шахсий мулк ва маблағларининг каттагина қисмини марказий шаҳар ва уларнинг теvarак-атрофида шоҳона кўшқу саройлар қуришдан

¹ Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403 – 1406 йиллар). 148-бет.

² Норқулов Н., Низомиддинов И. Миниатюра тарихидан лавҳалар. Т.: 1970. 54-бет.

ташқари, ҳайрия ишларига-масжиду мадрасалар, хонақоҳу шифохоналар, хаммому бозор расталари, работу карвонсаройлар, сув иншоотларию боғроғлар ва бўстонлар барпо этишга сарф қиладилар. Айниқса улар эътиқод, илм ва маърифат масканлари - масжидлар ва мадрасалар, шифохона ва хонақоҳларнинг сарфу харажати учун катта-катта экин ерлари, тегирмон, обжувоз, мойжувоз ва дўконлар каби қўзғалмас мулкларни вақф қилиб, мударрис олимлару толиби илмлар, зоҳидлар ва обид машойихларга маошлар белгилайдилар.

Клавихонинг гувоҳлик беришича, бу даврда қишлоқ хўжалигида ғалла, сабзавот ва полиз экинларининг деярли ҳамма навлари етиштирилган. Боғдорчиликка зўр аҳамият берилган, мевали дарахтларнинг кўпдан-кўп хиллари ўстирилиб, мамлакат аҳолиси ёзда ҳўл мева, қиш ва баҳор мавсумларида эса куруқ мевалар билан таъминланган. Хўжаликнинг асосий турларидан яна бири чорвачилик эди. Мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида айниқса, яйлов чорвачилиги, йилқичилик, қўйчилик, жумладан қорақўлчилик, туячилик, қорамолчилик муҳим ўрин тутган. Шубҳасиз, етиштирилган моддий бойликлар оддий халқнинг машаққатли меҳнати воситасида вужудга келтирилиб, унинг тақсимооти мамлакат аҳолиси табақаларининг ижтимоий ва иқтисодий муносабатлари моҳиятини белгиланган.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Амир Темур даврида иқтисодиётнинг ривожланиши ижтимоий ҳарактерда эканлиги жамиятни гуллаб-яшнашини таъминлади. Бу давр тарихий ташаббуси ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари йўлини танлаган Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эгадир.

ХУЛОСА

Машхур сайёҳ ва элчи Руи Гонсалес де Клавихонинг «Кундалик» лари, Амир Темур даври тарихини ўрганишда қимматли манба, Амир Темур ва темурийлар даври тарихидан баҳо юргизувчи муҳим асарлардан бири ҳисобланади. Китоб 1404 йили Самарқандда Темур саройида турган Кастилия (Испания) қироли Генрих III (1390-1406) нинг элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг йўл хотираларидан иборат, яъни унинг 1403-1404 йиллари Туркия, Эрон ва Мовароуннаҳрда, хусусан Амир Темур саройида кўрган-билганларини ўз ичига олган муҳим бир асардир.

«Кундалик» муаллифи Руи Гонсалес де Клавихо бадавлат ва нуфузли оқсуяк оиладан чиққан. Отаси ҳам, ўзи ҳам қирол саройида йирик мансабда туришган. У қирол Генрих III нинг вафотидан (1406) кейин она шаҳри Мадридга кетиб қолади ва, умрининг охиригача ўша ерда истиқомат қилади. Руи Гонсалес де Клавихо 1412 йилда вафот этади ва авлиё Франциско черковидаги ота-боболарининг хилхонасига дафн этилади.

Клавихонинг Амир Темур юртига қилган элчилик саёҳати 1403 йилнинг 22 майида бошланиб, ўн беш ой деганда у Самарқандга етиб келди. Бу саёҳатда Клавихога илоҳиёт илмининг номзоди (магистри) Альфонсо Паэс де Санта Мария, қиролнинг махсус соқчиси Гомес де Салазар ҳамроҳ бўлдилар. Клавихонинг сафари Амир Темурнинг 1402 йилда Испанияга хожа Муҳаммад қози бошчилигида йўллаган элчилигига жавобан қилинган эди. Тарихий манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, XIV асрнинг 80-90-йилларида Темур давлатининг шон-шухрати Оврўпо мамлакатларитача бориб етди. Англия, Франция, Испания, Генуя ва Византия сингари давлатларининг ҳукмдорлари Амир Темур билан сиёсий ва иқтисодий (савдо) муносабатлар ўрнатишга интилиб, улуғ жаҳонгир ҳузурига мунтазам равишда ўз элчиларини юбориб турдилар. Масалан, юқорида тилга олинган Кастилия қироли Генрих III нинг элчиси дон Пелагия де Сатоматир ва дон Фердинанд де Паласуэлос 1402 йили Темур Қорабоғда турганда унинг ҳузурига келишган ва ўша йилнинг 20 июлида Амир Темур билан Боязид I

Йилдирим (1389-1402) қўшинлари ўртасида бўлган энг катта қирғинбарот урушни томоша қилишган эдилар. Жангдан кейин уюштирилган катта қабул маросимида булардан бошқа яна бирталай мамлакатларнинг элчилари ҳам катнашдилар. Хуллас, ўша йиллари Темур билан Оврўпо давлатлари ўртасидаги савдо ва сиёсий муносабатлар қандай бўлганлигини жуда кўп расмий ҳужжатлардан ҳам билиб олиш мумкин. Булар Темур ва унинг учинчи ўғли Ғарбий Эрон, Ироқ ва Озарбайжон ҳокими мирзо Мироншоҳ (1393-1408) билан Франция, Англия ва бошқа мамлакатлар подшоҳлари ўртасидаги мактублардир. Мактублардан айримлари бугун машҳур Британия музейи (Англия) ва Париж Миллий кутубхонасида сақланмоқда. Клавихонинг Амир Темур ҳузурига қилган элчилик саёҳати жуда узоқ, хавф-хатар ва машаққатлар билан тўла сафар бўлди.

«Кундалик»да ўша вақтларда Амир Темур қўл остидаги мамлакатлар ва шаҳарларнинг умумий аҳволи, халқининг кун кечириши, Темур ва унинг яқинлари ташаббуси билан барпо этилган бинолар қасрлар, масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар савдо расталари, дўконлар, устахоналар; Темурийлар давлатининг Хитой, Ҳиндистон, Олтин Ўрда (Клавихо уни Татаристон деб атайдди), Мўғулистон ва бошқа мамлакатлар билан бўлган сиёсий ва савдо алоқалари, Темур саройида амалда бўлган тартиб-қоидалар ва ниҳоят, соҳибқироннинг хотинлари ва уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ҳақида эътиборга молик маълумотлар келтирилган. Бу маълумотлар, шубҳасиз, Туркистон заминининг ўша вақтлардаги ижтимоий-сиёсий тарихини, ота-боболаримизнинг турмуш тарзини ўрганишда муҳим тарихий манбалардан бири ролини ўташи турган гап.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-том. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: шарқ, 1998.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
5. Амир Темури жаҳон тарихида. – Т.: Шарқ, 2006.
6. Амир Темури ва Мирзо Улуғбек замондошлари хотирасида. – т.: Шарқ, 1996.
7. Амир Темури ўғитлари. – Т.: “Наврўз”, 1992.
8. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи, 1991.
9. Аҳмедов Б.А. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
10. Алимов Ў. Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда боғдорчилик хўжалиги тарихи. – Т.: 1984.
11. Ибн Арабшоҳ. Амир Темури тарихи. Икки жилдлик. (Нашрга тайёрловчи У.Уватов). – Т.: Меҳнат, 1992.
12. Муҳаммаджонов. Темури ва темурийлар салтанати. – Тошкент: 1994.
13. Норқулов Н., Низомиддинов И. Миниатюра тарихидан лавҳалар. Т.: 1970.
14. Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). Перевод, предисловие и комментарий И.С.Мироковой. – М.: Наука, 1990.
15. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темури саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар) (Тарижмон ва нашрга тайёрловчи О.Тоғаев). – Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
16. Темури тузуклари (Форсчадан А.Соғуний, Х.Кароматов таржимаси). – Тошкент: 1991.

17. Низомиддин Шомий. “Зафарнома”. – Тошкент, “Ўзбекистон”, 1996.
18. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома (Нашрга тайёрловчилар: А.Аҳмедов, Х.Бобобеков). – Т.: “Шарқ”, 1997.
19. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи. Биринчи китоб. – Т.: Шарқ, 2010.
20. Шамсутдинов Р., Мўминов Х. Ўзбекистон тарихи. – Т.: Шарқ, 2011.